



Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

46
(791)-son

16-noyabr

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

● Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! ●

Финляндиянинг Elisa уяли алоқа оператори дунёда биринчи бўлиб 900 МГц диапазонда ишловчи тижорий WCDMA-тармоғини ишга туширди. Тармоқни қуришда Nokia Siemens Networks компанияси технологияларидан фойдаланилди.

Ушбу янгилик 3G-тармоқ билан қолаш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Чунончи, маълумот узатиш тезлиги кескин ошади, база станциялари сонини 60 фоизгача камайтириш мумкин ва биоларнинг ички қисмига мобил алоқа кирувчанлиги яна 25 фоизгача яхшиланади.

Янги WCDMA-тармоқнинг амалда нималарга қодирлиги Nokia 6121 аппарати орқали видеоқўнғироқ ёрдамида намоиш этилди.

23 ДЕКАБР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



ЁШЛАР ВА САЙЛОВ

Шу йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 16 миллион 297 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг муайян қисмини сайловларда биринчи марта овоз берадиган ёшлар ташкил қилади.


Ана шундай сайловчилар вакиллари билан Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида учрашув бўлиб ўтди.

Бош қонунимизнинг 117-моддасига биноан, давлатимиз раҳбарини сайлашда ўн саккиз ёшга ўлган барча фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида икки миллионга яқин йигит ва қиз бундай ҳуқуқдан илк бор фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билим даражасини ошириш масаласи Марказий сайлов комиссиясининг доимий диққат-этиборида. Учрашувда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов иштирокчиларнинг сайлов тамойиллари, сайлов жараёнида ёшларнинг иштироки, сайлов куни овоз бериш шакли ва тартиби ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар даврида ўтаётган сайлов жараёнининг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги кўплаб саволларига батафсил жавоб берди.

Маълумки, сайловда иштирок этишга ижозат олган бешта сиёсий партияларнинг қурултойлари бўлиб ўтган эди. Яқинда эса сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Йиғилишда, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди платформасининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ:

ON-LINE ФИРИБГАР!



АЛБАТТА, ҲЕЧ ҚАНДАЙ БИЛИМ ВА КЎНИКМАСИЗ, ОСОНЛИК БИЛАН КАТТА ПУЛ ТОПИШ ҲАММАНИ ҲАМ ҚИЗИҚТИРАДИ. ЛЕКИН ШУНИ ТУШУНИШ КЕРАККИ, ТАРМОҚДА БУНДАЙ МЎЪЖИЗА ЙЎҚ. АГАР СИЗГА ЎША МЎЪЖИЗНИ ВАЪДА ҚИЛИШАЁТГАН БЎЛСА, БИЛИНГ-КИ, БУ СОҲАДАГИ ТАЖРИБАСИЗЛИГИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНИБ, ТЕЗ ОРАДА СИЗНИ АЛДАШАДИ. БУНДАЙ ҲОЛДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ПУЛ ТОПА ОЛМАЙСИЗ, БАЛКИ СИЗДАН ФОЙДАЛАНИБ, ЎША ВАЪДАБОЗЛАР ПУЛ ИШЛАШАДИ!

3-БЕТ



ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Матбуотда "А.Атоевни "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотлаш тўғрисида"ги ҳамда "О.Мухамедовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони бериш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

✓ 12 ноябр куни Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" павилонларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси савдолари иш бошлади.

Бу нуфузли тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов мазкур саноатчилар форуми корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, маҳаллийлаштириш қўламини кенгайтириш, пировардида валютани тежаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини янада кўпайтириш учун янги имкониятлар очишни таъкидлади. Эртага ушбу ярмарка ўз ишини якунлайди.

✓ Матбуотда "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чоп этилди.

✓ Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёшлар камолоти, таълим-тарбиясига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бермоқда. Глизер номидаги Республика махсус музика академик лицейининг 4-синф ўқувчиси Тоҳиржон Асқаров шу йил октябр ойида Италияда ўтган ёш пианиночиларнинг ўттинчи халқаро "Le Muse" курик-танловида голиб чиққани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ёш истеъод соҳибига давлатимиз раҳбарининг совғаси — пианино ва замонавий компьютер топширилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтган тадбирда музикашунос олимлар, санъаткорлар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

✓ Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида "Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти" мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди. Мазкур тадбир Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2007 йилда "Ислам маданияти пойтахти" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ташкил этилди.

✓ Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган "Янги авлод — 2007" республика болалар ижодиёти фестивали голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда санъат усталари, эстрада юлдузлари ҳамда "Янги авлод — 2007" фестивалининг совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

✓ Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича Ўзбекистон-Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташки савдо-иқтисодий алоқалар, молия, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, озик-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, сугурта, транспорт ва транспорт коммуникациялари ҳамда сайёҳлик соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

✓ Қашқадарё вилояти аҳолиси яна бир янги молиявий муассаса — "Ипак йўли" банкнинг хизматидан фойдалана бошлади. Қарши шаҳрида банкнинг экспресс маркази очилди.

Вилоят ҳудудида ўзининг доимий миқозларига эга бўлиш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур банк ҳозирда беш турдаги пул ўтказмаларини амалга оширмоқда.

Қарши-Термиз оптик-толали магистрал алоқа линияси ишга туширилди

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январда қабул қилинган "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилишга доир қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатта мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Хитой тараққиёт банки ва «Huawei Technologies Co.Ltd» (ХХР) компанияси билан ҳамкорликда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Умумий қиймати 18 313 520 АҚШ долларига тенг "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси" доирасидаги ушбу ишлар ўз самараларини бермоқда.

Жумладан, "Ўзбектелеком" АҚ томонидан жорий йилнинг 1 ноябр куни магистрал алоқа тар-

моқларини кенгайтиришга қаратилган Қарши-Термиз рақамли радиорелейли линиясига параллел равишда узунлиги 360 километрдан ортиқ оптик-толали магистрал алоқа линияси қурилиши ишлари якунланди ва рақамли узатиш тизими фойдаланишга топширилди. Бу Тожикистон ва Афғонистон йўналишида халқаро телекоммуникация каналларини кенгайтириш, захиралаш, мамлакатимиз ҳудудидан телефон сўзлашувларини амалга ошириш ва маълумотларни узатиш, интернет трафиғи ҳамда транзит трафик имкониятларини кенгайтириш имконини беради.

Ҳозир мазкур вилоятларнинг барча туманлари марказларига

ўрнатилган замонавий рақамли телефон станциялари ва узатиш тизимларида синов ишлари якунига етмоқда. Айни пайтда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари телекоммуникация тармоғи учун мўлжалланган, узунлиги 670 километрлик оптик-толали кабелни ётқизиш ишлари давом этмоқда. Оптик-толали кабеллар ётқизиш ишлари тугалланган участкалар эса синовдан ўтказиш учун фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, Деҳқонobod, Қамали, Фузур, Бойсун, Қизирик, Бандихон ва Шеробод туманлари марказларида ўрнатилган рақамли телефон станциялари оптик-толали алоқа линияларига улашиб, синовдан ўтказилмоқда.

Оптик алоқа кабелларини ётқизиш ишлари тугаллангач, мазкур вилоятлар аҳолисининг сифатли ва замонавий телефон хизматидан фойдаланиш, юқори тезликдаги алоқа линиялари орқали маълумотларни узатиш ва интернет хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятлари янада кенгайди.

ЎЗА

SEMINAR



РАУНЕТ:

Тўловнинг янги шакли



Кеча Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Ўзбекистонда тўлов технологияларининг ривожини" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда РАУНЕТ компанияси мутахассислари маъруза қилиб, йиғилганларни ўз хизматлари билан янада яқинроқ таништиришди.

РАУНЕТ 2005 йили Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Компания республикамизда биринчи бўлиб реал вақт тартибда аҳолидан мобил алоқа, интернет, халқаро телефон сўзлашувлари, коммунал хизматлар учун ва бошқа тўловларни қабул қила бошлади. Айтиш ўринлики, шу қисқа давр ичида салмоқли натижаларга эришилди. Ҳозир 20дан ортиқ турдаги хизматлар йўлга қўйилган.

— Республикаимизда 3,5 мингта дилерлик шахобчаларимиз мавжуд бўлиб, йил охирига қадар улар сонини 4000тага етказишни режалаштирганмиз, — дейди РАУНЕТ компаниясининг дилерлик бўлими бошлиғи Анвар Исамухамедов. — Айниқса, пойтахтимиз ва Фарғона водийсида хизматимиздан фойдаланувчилар сони кўпчиликти ташкил этади. Мамлакатимизда кенг тар-



моққа эга "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекистон темир йўллари", "Матбуот тарқатувчи" сингари компаниялар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилса, бизнингча, халқимиз учун жуда катта қулайлик яратилган бўларди.

Дарҳақиқат, РАУНЕТ шахобчаларининг аҳоли энг гавжум жойларда ишлаётганлиги қулайликнинг бир томони бўлса, яна бири ўз фаолиятида энг замонавий воситалардан фойдаланаётганидир. Масалан, жорий йилнинг ноябр ойидан пойтахтликлар учун электр энергияси тўловларини РАУНЕТнинг ID-карталари (идентификация) орқали амалга ошириш хизмати кенг қўламада йўлга қўйила бошланди.

Семинар кун тартибидан ўрин олган электрон тўлов тизимлари (ЭТТ)ни шакллантириш, тўлов тизимида дилерлик тармоқларининг тутган ўрни, ЭТТнинг ривожига ахборот технологияларининг аҳамияти, РАУНЕТ компанияси хизматларида электрон рақамли имзонинг қўлланилиши каби мавзулардаги маърузаларни иштирокчилар диққат билан тинглашди ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

AKM YANGILIKLARI

АНДИЖОНДА КИТОБ БАЙРАМИ

Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида "2008-2009 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазмаларни ташкил қилиш" ташкил этилди.



Ярмаркада республикамизнинг барча нашриёт-матбаа муассасаларининг ижодий фаолиятини, имкониятларини кўз-кўз қила олгучлик маҳсулотлар намойиш қилинди.

— Мазкур китоб байрами барча нашриётлар, умумтаълим мактабларининг вакиллари, ўқувчи ва китобхонлар иштирокида очилди, — дейди АКМ директор ўринбосари Гулнорахон Исмоилова. — Уч юзга яқин киши китоблар кўргазмаси билан танишиб, фикр-мулоҳазалари, таклиф-истаклари билан ўртоқлашдилар. Хамюртларимиз кутубхонамиздаги китоблар кўргазмасига ҳар кунни ташриф буюришлари мумкин.



Ихтисослаштирилган китоблар кўргазма-ярмаркаси нашр этувчи ва ўқувчи-китобхонлар ўртасида ўзига хос кўприк, дейишди қатнашчилар мамнуният билан. Китоблар кўргазмаси 12 декабрдан давом этади.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
"Хабар"нинг Андижон вилоятидаги мухбири

АСКАРЛАР ДАВРАСИДА

Захриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази билан Андижон вилояти мудофиа ишлари бошқармаси тасарруфидаги ҳарбий қисмлар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши юзасидан келишув мавжуд.

Яқинда янги қақчилган аскарлар даврасида "Ватан ва ватанпарварлик ғояси" мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатга таклиф этилган Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Муҳаммадқодир Отахонов аскарларга Ватанга муҳаббат туйғуси хусусида ҳамда ватанпарварлик ғоясининг мазмун-моҳиятини тўғрисида маъруза қилди. Ҳарбий қисм шахсий таркиби, шунингдек, ижодкор ҳуқуқшуноснинг Ватан ва ватанпарварлик мавзусидаги бадий ижод намуналари билан ҳам танишдилар.

Муаттархон ТУРДИЕВА,
АКМ кутубхоначиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Кейинги пайтларда "Интернет-бизнес", "Интернетда пул ишлаш" каби тушунчалар жуда ҳам омивайлашиб бормоқда. Хозирги кунда ҳар бир интернет фойдаланувчиси электрон пуллар (Webmoney, e-Gold, Yandex.Dengi) ва ундан тармоқда қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълум тасаввурга эга. Фойдаланувчиларнинг каттагина қисми эса тармоқда пул ишлаш йўлларини аллақачон ўзлаштириб олишган.

Сиз ҳам тармоқда пул ишлашга қизиқасизми? Карорингиз ёмон эмас! Бунинг учун сиз аввало нима қиласиз? Албатта, Google, Yandex каби қидирув тизимларида "Интернетда пул ишлаш", "Интернет бизнес" каби сўзларни киритиб, керакли сайтларни қидириб кўрасиз ва бирма-бир уларни ўргана бошлайсиз... Бир зумда сизни миллионерга айлантириб юборишга ваъда берувчи хилма-хил таклифлар билан кўмиб ташлашади. Бир қарашда уларнинг ҳаммаси ажойиб ва тушунарли: ҳеч қандай ортиқча билим ва

америкаликлар сояси тагида йўқолиб кетади...

Хуллас, бир йил ичида у атиги 50 балл тўплайди. Ваҳоланки, энг кам тўлов учун камида 1000 балл тўплаш керак бўлади!

On-line пул айирбошлаш билан боғлиқ товламачилик.

Сўнгги пайтларда тармоқда қуйидаги мазмундаги эълонлар кўпайиб кетди: "Кунига 500\$ ишлашни хоҳлайсизми?", "e-Gold - WMZ: соатига 100\$!!!" ва ҳоказо. Қайси форумни ёки сайтни қараманг, кимдир электрон пул айирбошлаш орқали жуда ҳам катта даромад топаётганини ҳикоя қилаётган рекламаларга кўзингиз тушади.

Куйида бир сайтдан (уларни кўпчилиги бир саҳифали сайтлар) олинган матнга эътиборингизни қаратамиз:

"Энди ҳаммада катта пул ишлаш имконияти боп!!!

Яқинда интернетда пул ишлашнинг янги усулига дуч келдим: кунига 1000\$ ваъда қилишди. Уни амалда қилишга кўрдим: ҳаммаси жойида!!!

**ЭХТИЁТ БЎЛИНГ:
ON-LINE ФИРИБГАР!**

кўникмаларсиз, осонлик билан каттагина пул ишлаш мумкин! Сайтда кўрсатилган вазифаларни бажаришга киришасиз... Лекин негадир сиз кутган натижа чиқмайди. "Майли, бошқа тузукроқ йўли бордир", дея яна ишга киришасиз... Яна вақтингиз (балки анчагина пулингизни ҳам) йўқотасиз...

Ниҳоят фаҳмлайсизки, тармоқда ҳеч қандай билимсиз осонгина пул топиб бўлмайди. Ойига 1-10\$ эмас, ростақамига тузукроқ пул ишлаш учун нимадир қилишни билиш керак...

Эътиборингизга тармоқда энг кўп тарқалган электрон товламачилик кўринишларидан баъзиларини келтириб ўтамитиз.

On-line сўровномаларда "осон" пул ишлаш. Ёхуд ҳақ тўловчи сўровномалар билан боғлиқ товламачилик.

Интернетда "Тўлдирилган анкеталар учун 10-75 \$ гача ҳақ тўловчи 500 та ҳомий рўйхатини сотиб олинг" мазмундаги таклифларни кўплаб учратиш мумкин. "Юқори ҳақ тўловчи иш - анкета саволларига жавоб йўллаш", "Саволларга жавоб бериб, 2000\$ га эга бўлинг" ва ҳоказо. Ёки мана бу кўринишдаги реклама матни ҳам кўп учрайди:

"Сўровномаларни тўлдирганлик учун ҳақ олиш: ҳар бир сўровнома учун 2\$ дан 75\$ гача. Сўров ўтказилаётган гуруҳларда қатнашганлик учун ҳақ олиш: соатига 20\$ дан 150\$ гача. Маҳсулотларни синовдан ўтказганлик учун ҳақ олиш: ҳар бир маҳсулот учун 10\$ дан 50\$ гача. Тугалланмаган фильмларни олдиндан кўриб чиққанлик учун ҳақ олиш: соатига 5\$ дан 25\$ гача".

Бу сўзлар шунчалик жозибдор жаранглайди-ки, амалда синаб кўрмаган киши унинг шунчаки кўзбўямачилик эканлиги ҳақида йўлаб ҳам кўрмайди. Энди аниқ бир мисолга эътиборни қаратсак. Владимир Бывалов (Moneymaster.ru сайтининг муаллифи) www.uхicom.com сайтдан 49.95\$ га тўлдирилган сўровномалар учун ҳақ тўловчи хомийлар рўйхати жамланган пакетни сотиб олди. У барча кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда 15та компания сайтида рўйхатдан ўтди. Лекин у ўйлагандек бўлиб чиқмайди. Сўровномалар жуда ҳам кам ўтказилди. Боз устига, ҳар 10 анкетадан 9таси қайсидир сабабга кўра сўровнома ўтказиш учун мос келмайди: ё ёши, ё жинси ёки бошқа сабабга кўра. У гўё

Мана ўша усул:

Рус on-line айирбошлаш шаҳобчаси <http://www.roboxchange.com> орқали 20 WMZ = 20 e-Gold курси буйича ўз WMZ (Webmoney Transfer тизимидаги АҚШ долларининг электрон титул бирлиги) пулингизни e-Gold (АҚШ долларидида электрон ҳисоб-китобларни олиб борувчи инглиз тилидаги электрон тўлов тизими)даги ҳисобингизга айирбошлайсиз.

Шундан сўнг, чет эл (инглиз) электрон айирбошлаш шаҳобчаси <http://pots-exchanger.com> орқали 20 e-Gold = 22.4 WMZ курси буйича пулларингизни WMZ ҳисобингизга қайта айирбошлайсиз.

Ҳар бир айирбошлашдан тушадиган соф фойда миқдори роллароса 2\$ ни ташкил этмоқда! Ушбу жараёни 30 марта такрорлайсиз (тахминан 40 дақиқа) - соф фойда 60\$.

Дикқат: чет эл айирбошлаш шаҳобчасида энг кам пул айирбошлаш миқдори - 20\$.

Мен ўзим кун бўйи худди шу усулда пул айирбошлайман ва кунига 500\$дан даромад топаман".

Таажуб... У нима учун бу ҳақда ҳамма ёққа жар солиб юрибди? Кунига 500\$ топаётган экансан, ўз ишингизга давом этавер! Ҳаммага сирни ошкор қилиб нима қиласан?!

Хўп, бу ҳозирча шундай тура қолсин. Энди гапнинг бу ёғига қулоқ тунинг.

Бу сизга шубҳали туюлмаётми? Рус on-line айирбошлаш шаҳобчаси <http://www.roboxchange.com>да WMZ ва e-Gold титул бирликларини 1:1 курс буйича айирбошлайди. Бу ҳақиқатда мавжуд ва ишончли айирбошлаш шаҳобчаси. Лекин бу ердаги пул айирбошлаш жараёнидан миқозга ҳеч қандай фойда йўқ! Ҳамма гап бошқа ёқда...

"Чет эл" электрон пул айирбошлаш шаҳобчаси - <http://pots-exchanger.com>! Сиз у ёққа айирбошлаш учун пул (20 e-Gold) юбориб, авзагага ҳеч нарса ола олмайсиз. Яъни, сизнинг WMZ ҳисобингизга келиб тушиши керак бўлган 22\$ фибрибарнинг чўнтагидан жой эгаллайди...

Ҳозирги кунгача бу фибрибар

кўпчиликни анчагина пулга туширгани аниқ. Бундай сайтлар ўз манзили ва кийфасини тез-тез ўзгартириб туради. Агар у ҳозир ҳам мавжуд бўлганда эди, унда ҳеч қандай ишонч белгиси (Webmoney Transfer тизимининг сертификати ва бошқа расмий сертификатлар) йўқлиги ёки бўлса ҳам, шунчаки, кўзбўямачилик учун қўйилганига гувоҳ бўлган бўлар эдингиз... (Текшириш учун яна бир шундай фибрибарлик сайти - <http://online-change.com>га кириб кўришингиз мумкин.)

Масофавий иш - матн териш билан боғлиқ фибрибарлик.

Эҳтимол сизнинг электрон почтангизга ҳам "Масофавий иш: матн териш. Ойига 20 000 рубль" мазмундаги хатлар келиб тушган бўлса керак? Одатдагидек, қайсидир бепул эълонлар доскасида ёки спам тарқатиш йўли билан "қулоғингизга лағмон илиш"ни бошлашади:

"Наширёт полиграфия компанияси компютер оператори лавозимига ўзоқлашган ходимлар учун иш ўринларини таклиф қилади."

Иш қуйидаги йўсинда амалга оши-



ри-ла-ди-Сизга эски манбалардан олинган ва сканердан ўтказилган материаллар юборилди. Сизнинг вазифангиз - уларни Word редакторига ўтказиш. Матнда, шунингдек, ҳар хил график ахборотлар ҳам учрашиши мумкин... ва ҳоказо.

Ҳар бир терилган саҳифа учун сизга яхшигина ҳақ тўлашни ваъда қилишади. Бир қарашда, бу иш ростида ҳам ҳақиқийга ўшаб кўринади. Сизни қизиқтириб қўйгандан сўнг эса... ҳар доимгидек, рўйхатдан ўтиш учун аъзолик бадали (50-100 рубль) тўлашни таклиф қилишади. Гўёки, бу пул сизни ишга жиддий киришганлигингиздан далолат беради...

Ишнинг бу ёғини англаган бўлсангиз керак? Фибрибар сиздан пулни олади-ю, сизни бутунлай унутди! Сиз 50-100 рубль учун уни миллиончага топшириб, ишни судга оширасизми? Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам бундай фибрибарлар ўз ишини ҳеч кўрқмасдан амалга ошираверибди.

Демоқчи бўлганимиз, тармоқдаги ҳар қандай таклифга жуда ҳам ишонувчан бўлмасдан, бир оз мулоҳаза билан иш тутинг. Етарлича билим ва кўникамага эга бўлмай туриб, интернетда пул топиш ёки бизнес соҳасида кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Шарофиддин РАҲИМОВ,
журналист

XALQARO HAYOT

СЕУЛ-ПХЕНЯН:
РИШТАЛАР
БОГЛАНМОҚДА

Бир неча йиллик танаффусдан сўнг нихоят Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси Бош вазирлари Сеулда учрашдилар.



"РИА Новости"нинг хабар беришича, учрашувда икки корейс давлати ҳукумат раҳбарлари жорий йилнинг октябр ойида имзоланган тинчлик ҳақидаги декларацияни амалга ошириш йўллари муҳокама қилдилар. Шунингдек, муҳокамаларда темир йўллари бирлаштириш, уруш туфайли ажралиб кетган оилаларни тиклаш каби иқтисодий-ижтимоий масалалар ҳам тилга олинган. Хабарда айтилишича, икки давлат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик ҳамда хавфсизлик масалалари шу ой сўнгида Пхенянда ўтадиган икки давлат мудофаа вазирлари учрашувида муҳокама қилинади.

ПУЛ ЎРНИГА ЙЎЛ

Италия Ливияга товон пули тўлайдиган бўлди. Маълумки, Ливия 1911 йилдан 1951 йилгача Италиянинг мустамлакаси бўлган. Айниқса, Италияга Муссолини раҳбарлик қилган даврда ливияликлар оғир кунларни бошидан кечирган. Мамлакат мустақилликини қўлга киритгач, Ливия Италиядан товон пули тўлашни талаб қила бошлади. "ИТАР-ТАСС" хабарига айтилишича, яқинда ушбу талаб ижобий ҳал этилган, яъни расмий Рим товон пули эвазига Ливияга катта автомагистрал қуриб беришни зиммасига олган. Албатта, мазкур йўл Италияга бир неча миллиард еврога тушади.

ИСТЕЪФОГА
ЧИҚИШИ МУМКИН

Покистон президенти Парвез Мушарраф Sky News телеканалига берган интервьюсида истеъфога чиқиши мумкинлигини маълум қилди.

"Мен демократия тарафдориман, — деган президент. — Келгуси йилнинг 9 январига сайлов ўтказилади. Мамлакатда вазият юмшагач, мен лавозимидан кетишга тайёрман". Сиевсатчиларнинг таъкидлашларича, Покистон халқ партияси раҳбари Беназир Бхутто барча муҳолифатдаги кучлар билан бирлашишга тайёр эканлигини билдирганидан сўнг, Парвез Мушарраф шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

ДОВУЛ ОҚИБАТИ

"Интерфакс" хабарига айтилишича, Қора денгизнинг Кавказ порти яқинида юз берган кучли довул оқибатида ўнлаб кемалар ҳалокатга учраган. Оқибатда кўплаб денгизчилар ҳалок бўлган.

Айни дамда бу жойда қидирув-қутқарув ишлари олиб бориляпти. Ҳалокат вақтида Керч бўғозига 6,8 тонна олтингурт, бир неча тонна ёнлиги тўқилган. Мутахассислар бу жиддий экологик ҳалокатга олиб келишини таъкидлашмоқда.



БУГУНГИ ТАЛАБА КЕЛАЖАҚДА ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР УСТАСИ БЎЛИБ ЕТИШИШ УЧУН НАФАҚАТ НАЗАРИЙ БИЛИМГА, БАЛКИ АМАЛИЙ КЎНИКМАГА ҲАМ ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ. ЎҚИШ ДАВОМИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН АМАЛИЁТ ЎТАГАН ТАЛАБА ДИПЛОМЛИ БЎЛГАНДАН СЎНГ КАТТА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛМАЙДИ. АМАЛИЙ КЎНИКМА УНИНГ ИШГА ТЕЗ КИРИШИБ КЕТИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Technologies", "Erava Group", "Fido-Biznes", "SHARIFA-T" ва "Spells" компанияларида иш ўрганиш ва амалиёт ўташ имконига эга бўлишди.

— Талабаларнинг етакчи АТ-компанияларида амалиёт ўташи бўйича ТАТУ томонидан билдирилган таклиф бизни бефарқ қолдирмади, — деди АТ-ассоциацияси ижрочи директори Илхом Абдуллаев. — Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳаси тез суръатларда ривожланмоқда. Табиийки, ёш ва малакали кадрларга ҳам эҳтиёж ортиб борапти. Бугун етакчи компанияларда тажриба орттирган талаба эртага шу соҳада янгиликлар яратувчи мутахассисга айланади. Шунинг учун ушбу ташаббус алоҳида ўрин тутади. Ўйламанки, бу тадбиримиз анъанавий тус олади ва йилдан йилга

топилгани боис бугунги тадбирга таклиф этилдим. Энди мен етакчи компанияда ўз амалий билимларимни ошириш билан бирга, шу фаолиятим асосида битирув ишимни ёзиб, ҳимоя қилиш имконига эга бўлдим. Мен талабалар номидан биз учун шундай шарт-шароитлар яратиш берган университет ва АТ-ассоциацияси раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Юқориди санаб ўтилган компаниялар ҳам ушбу ташаббусга жиддий қарашаётгани тадбирда яққол кўзга ташланди. Мутахассислар талабалар



ЭРТАГА МУТАХАССИС

Сир эмас, ўқиш давомида ҳар бир талаба ҳам тўлиқ амалиёт ўтамайди. Бунинг турлича сабаблари бор — талабаниннг ўз касбига қизиқиши, интилишининг сустиги, айрим ўқув юрталарида амалиётга керагича эътибор қаратилмаслиги кабилар. Кейин ҳар бир корхона ва ташкилот ҳам иш ўрганиш мақсадида келган бўлажак мутахассисни кучоқ очиб қутиб олавермайди. Қабул қилганлари эса аксарият ҳолларда "Амалиёт вақти тугаганида келсанг, қозғингга имзо қўйиб бераман. Бу ерга доим келишинг шарт эмас" деб, талабани қайтариб юборади. Бу айрим ёшлар учун "кўнглидагидек иш" туюлади. Лекин... келажагимиз ҳисобланган ёшларнинг ўз касбига бўлган қизиқиши ортиши, унинг келгусида нима билан машғул бўлишини олдиндан ҳис этишида тўғри ташкил этилган амалиётнинг ўрни беқийсдир. Шундай экан, на ўқув юрти маъмурияти, на ташкилотлар ва на талабаниннг ўзи бу муҳим жараёнга бефарқ қарамаслиги лозим.

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон АТ-ассоциацияси хайрли ишга қўл урди. Узаро келишувга асосан, университетнинг 14 нафар талабаси ўз йўналишлари бўйича АТ-ассоциациясининг етакчи корхоналари — "Авиаброк Консауд", "ASBT", "Baik

етакчи компанияларда амалиёт ўтовчи талабалар сонини ошириб борамиз.

Мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ахборот технологиялари соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. ТАТУ мисолида олиб қарайдиган

ни яна бир бор жиддий суҳбатдан ўтказишди ва ўз йўналишлари бўйича саралаб олишди.

— Ҳозир бир неча талабани танлаб олдик, — деди биз билан суҳбатда "Fido-Biznes" компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Иброҳим Жумабоев. — Иш жойида уларнинг дастурлаш бўйича бажарган ишларини яна қайта кўриб чиқамиз. Ёшларнинг имкониятларини аниқлаш, улар билан қайси йўналишларда ишлашимизни белгилаб оламиз. Барча талабаларга бизда ишлатиладиган замонавий технологияларни ўргатамиз. Мутахассислигига оид

Бу каби ташаббуслар иқтидорли ёшларга ўз билим ва қарашларини тўлиқ намоеъ этишлари, АТ-компанияларга эса малакали кадрларга эга бўлишлари учун яхши имкон яратади.

махсус билимларни берамиз ва талабимизга жавоб берган ёшларни ишга қабул қиламиз. Бошқа ўқув юрталари ҳам шундай ташаббус билан чиқишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрловчи даргоҳлар сони кўп ва бу каби ташаббуслар иқтидорли ёшларга ўз билим ва қарашларини тўлиқ намоеъ этишлари, АТ-компанияларга эса малакали кадрларга эга бўлишлари учун яхши имкон яратади.

Бундай эътибор, табиийки, ёшларимизга катта масъулият юклайди. Талабаларнинг бу синовдан қай даражада ўтишлари кўп жиҳатдан уларнинг келажагини ҳам белгилаб беради.

махсус билимларни берамиз ва талабимизга жавоб берган ёшларни ишга қабул қиламиз.

Бошқа ўқув юрталари ҳам шундай ташаббус билан чиқишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрловчи даргоҳлар сони кўп ва бу каби ташаббуслар иқтидорли ёшларга ўз билим ва қарашларини тўлиқ намоеъ этишлари, АТ-компанияларга эса малакали кадрларга эга бўлишлари учун яхши имкон яратади.

Бундай эътибор, табиийки, ёшларимизга катта масъулият юклайди. Талабаларнинг бу синовдан қай даражада ўтишлари кўп жиҳатдан уларнинг келажагини ҳам белгилаб беради.

2007-YIL — IJTIMOIIY HIMOYA YILI

БОШ ҚОНУНИМИЗНИНГ 59-МОДДАСИДА "КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУКЛАРИНИ ВА МАЊФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИЛАР ВА ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР" ДЕЯ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚУЙИЛГАН. МАЊА ШУНГА ҲАМОҲАНГ РАВИШДА ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДЕБ НОМЛАНИШИ ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРДИ. БУ БОРАДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, ҲАР БИР ҚОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

сўм, касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан 359,9 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турилди, байрамларда йўқлаш, дори-дармон, озик-овқат маҳсулотлари олиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. 15 нафар ёлғиз кексанинг уй-жойи таъмирланди, 165 нафарнинг эса қўмнал, телефон хизматлари учун тўловлари қопланди.

дек, соҳа ходимларининг спорт билан шуғулланишлари, улар ўртасида уч босқичли спартакиада ўтказиш, ёш оилалар, ўқувчи ва талабларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, болалар оромгоҳларини таъмирлаш учун ҳам "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури" асосида муайян ишлар амалга оширилдики, келгусида бу хайрли тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини беради.

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Бухоро вилоятида ўтказилган навбатдаги "Маънавият ва маърифат" ўқуви жорий йилнинг декабр ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланди.

4-Бухоро округ сайлов комиссияси аъзолари, малакали ҳуқуқшунослар ва маънавий тарғиботчиларининг бир гуруҳи вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, олий ўқув юрлари, ўрта махсус ва касб-ҳунаар таълими муассасалари, шифоналар, давлат қорхона ва ташкилотларида бўлиб, муҳим сийсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови хусусида маърузалар ўқидилар, давра суҳбатлари иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб бердилар. Жумладан, Бухоро давлат университети ҳузуридаги Компютер ва ахборот технологиялари академик лицейида ўтказилган "Маънавият ва маърифат" ўқуви давомида 4-Бухоро округ сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Зариф Комилов ҳамда мазкур лицей тарих фани ўқитувчиси Дилдора Қўзиёева сайлов бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, очик, ошқора, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилган бу жараён мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятдаги мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ДОИМИЙ ҲИМОЯ



Электромагнит мослашув марказида узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиққан собиқ ходимлар ҳолидан тез-тез хабар олиш аънаънага айланган. Қорхона касаба уюшмаси қўмитаси ходимлари меҳнат фахрийси Сурайё ХАЛПАЕВАни байрам ва қўтлуг саналар билан табриклашни одат қилишган.

олиб берилди. Пенсияга чиқаётган 259 нафар ходимга 39144,2 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатишга эришилди. Соҳада ишлаб пенсияга чиққан 205 нафар яқка-ёлғиз кексалар бор, тармоқ ташкилот ва муассасалари томонидан хомийликка олинган ёлғиз кексалар эса 130 нафарни ташкил этади. Уларнинг 273 нафарига қорхоналар ҳисобидан 6165,4 минг

Жами 5204 нафар кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари 166322,8 минг сўм миқдориди моддий ёрдам олишди. 5324 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқариш ҳамда соғлиқларини тиклаш учун қорхоналар ва касаба уюшмаси ташкилотларинг 97831,8 минг сўмлик маблағ сарф этишди. Шунинг-

Албатта, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мавсумий юмушга айланиб қолмаслиги керак. Бу касаба уюшма қўмиталари, акциядорлик компаниялар, жамиятлар, қорхона ва ташкилотларнинг доимий, биринчи галда амалга ошириши зарур бўлган вазифаси ҳисобланади. Қолаверса, меҳр-муруватга муҳтож, эҳтиёжманд инсонларга қўлдан келгунча ёрдам кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиш керак!

Яқинда Марказий кенгашиимизнинг навбатдаги IV пленуми бўлиб ўтди. Ушбу пленум кун тартибига соҳада тадбиркорлик билан шуғулланаётган алоқачи ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларини олиб чиқмоқчимиз. Уйлайманки, пленумда бу борада билдирилган фикр-мулоҳазалар, илғор иш тажрибалари келгусидаги фаолиятимиз учун дастуриламалга айланади.

Тоҳир НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси



Муборак бўлинг!

Кеча Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тоҳир Назирович НАЗАРЖОНОВ муборак 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан у кишини газетамиз ижодий жамоаси ҳамда кўпминг сонли газетхонлар номидан табриклаيمиз. Соҳа ходимларини ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялаш йўлидаги масъулиятли ишингизда қуч-қувват, мустақам соғлиқ, оилангизга тинчлик-осойишталик тилаймиз, Тоҳир ака!

"ЎЗДУНРОБИТА": ХИЗМАТ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

"Ўздунробита" хорижий ишлаб чиқариш компаниясининг Фарғона водийсидаги бўлими республикамизнинг учта вилоятига хизмат кўрсатади.

Айни кунларда 3G тизимига ўтиш ишлари олиб борилмоқда. Хориждан 25 миллион АҚШ доллариغا янги, янада мукамал коммуторатор келтирилган. — Ҳар кун битта ёки иккита қўшимча станцияни ишга туширяпмиз, — дейди "Ўздунробита" Андижон вилояти ҳудудий тармоқ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Қозимшоиб Аҳмадалиев. — Мақсадимиз хизмат сифатини янада яхшилаш ва нархларнинг арзонлашувига эришишдан иборат.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ

NISHONDORLARIMIZ

Самиянинг севинчи

"Барчиной" бозори ёнидаги "Матбуот тарқатувчи" дўкони ҳафтанинг жума кунлари гажум бўлади. Шу боис, Самия Ҳамдамова доимо ишга барвақт келишга, миқозларни кўтириб қўймасликка одатланган. У газета сотишдан ташқари, одамларга ўнга яқин хизмат ҳам кўрсатади. Кимдир телефонда гаплашганидан, яна бирор ҳужжатнинг нусхасини кўчиртириб олганидан хурсанд. Самия бундай пайтларда кичик, аммо энг зарур хизмат билан элға нафи тегаётганидан мамнун бўлади.

Дарҳақиқат, инсон умрининг мазмуни ҳам шунда. Қайси соҳада ишлайлик, эл-юрт маңфаатини кўзлаймиз. — Бюлалгим, Шерободнинг Зарабоз қишлоғидаги Қўхтанг тоғига туташ қир-

лар этағида ўтган. — дейди С.Ҳамдамова. — Тақдир тақозоси билан Термиз шаҳрига келинлик либосида келганимга ҳам чорак асрдан кўпроқ вақт бўлибди. Ўшанда Очил акам алоқа соҳасида ишлар эди. Бир кун "Уйда бекор ўтиравериш жонимга теғди, демайдиган бўлдинг", деб қолди. Билсам, менга иш тоғиб келган эканлар.

...Вилоят шифохонаси ҳовлисида ўрнатилган "Матбуот" дўконига асосан доволанаётган кишилар келишарди. Улар палатада ўқиб келсам майлими, деб газета олиб кетарди. Самияга беморлар кўнглига қараб иш тутгани фойда берди. Боз устига, кундалик матбуотни палатада мутлола қилган кишилар миннатдорчилиғи дўкон соҳибасига мукофотдай туюлди.

— Мен Самияхон меҳнат қилаётган дўконнинг доимий миқозиман, — дейди шаҳардаги "Саодат" хусусий тикувчилик фирмаси раҳбари Нурмамат ака Сафаров. — Мана, ҳозир ҳам "Хабар" газетасининг янги сонини харид қилиб олдим. Бу газетани қизиқиш билан ўқиб боряпман. Унда берилётган компютер саводхонлиғи дарслари ва ранг-баранг материаллар оиламиз учун совғадай қимматлидир.

Нурмамат аканинг "Матбуот" дўкони соҳибаси меҳнатига муносабатини бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашди. Термиздаги "Пахта" акциядорлик жамияти ходими Шарофиддин Халилов газеталарни шу ердан харид қилишини билдирди.

— Самия опанинг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиғи муносабати билан "Ўз касбининг эстаси" нишонига сазовор бўлганини эътиб, беҳад хурсанд бўлдим, — деди Шарофиддин уни табриқлар экан. — Бу киши чиндан ҳам шундай ҳурмат-эътиборга лойиқдир. ...Юз билан юзлашиш оstonасида тур-

ган Ҳамдам бобо кампири Ҳамида қоланинг "Турсангизчи, Термиздан кизимиз келди", деган гапидан сўнг ёстиқдан бош кўтариб эшик томон қаради: "Яхшимисан Самия, Очилбой яхшими, бола-чақаларнинг ҳаммаси чопқиллаб юридимми?"

— Худого шукр, ота. Ҳаммаси яхши. Сизга салом айтиб юборишди. Эртасига Самия Термизга қайтиш тараддуди билан ўй деворидаги осма соатга қаради. Ҳозир йўлга чиқса қош қораймай уйда бўлишини мулжаллаб отасидан руҳсат сўради. Ота қизини астойдил дуо қилди.

Самия "Қизилпола-Шеробод" автобуси ойнасидан тугилиб-ўсган қишлоғи Зарабозга яна бир бор ҳавас ила боқди. Мустақил Ватаниннг сўлим манзили ҳисобланган шу юрт фарзанди сифатида элға хизмат қилаётганидан беихтиёр фахрланиб қўйди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своей речи в честь юбилея Ташкентского университета информационных технологий подчеркнул, что «сегодня, как это видно на примере развитых стран и мирового опыта в целом, к какой бы современной отрасли или сфере мы не обратились – будь то промышленность или сельское хозяйство, строительство, сфера обслуживания, обеспечение безопасности, социальные вопросы или развитие науки и техники, культуры, — основу прогресса составляют телекоммуникационные и информационные технологии. В ускоренном развитии этой стратегически важной сферы в соответствии с мировыми стандартами и требованиями на сегодняшний день подготовка высококвалифицированных специалистов является для нас актуальнейшей задачей».

В октябре 2007 года факультету Радиотехники, радиосвязи и телевидения Ташкентского университета информационных технологий исполнилось 50 лет. Факультет РРТ готовит бакалавров по направлению образования «Радиосвязь, радиовещание и телевидение», «Радиотехника» и «Мобильные системы связи». Также ведется подготовка магистров по специальностям «Мобильные системы связи», «Радиотехнические устройства и средства радиосвязи» и «Цифровое телевидение».

В центре постоянного внимания находится наш университет и факультет в Узбекском агентстве связи и информатизации и соответствующих его подразделений. В частности, одно из его подразделений – Центр Радиосвязи, радиовещания и телевидения в лице его директора Мухамедназима Бакиевича Атамухамедова, постоянно контактирует с нашим факультетом. Центр каждый год принимает студентов на производственную практику, определяет темы Выпускных Квалификационных Работ и магистерских диссертаций, участвует в работе государственных аттестационных и экзаменационных комиссий. Также Центр оказывает факультету ежегодную спонсорскую помощь для преподавателей и студентов, тем самым демонстрируя свою активную соци-

Вклад Центра Радиосвязи, радиовещания и телевидения в дело подготовки кадров

альную позицию и серьезные намерения внести свой вклад в дальнейшую подготовку профессиональных кадров по радиотехническим специальностям. За прошедшее время ежемесячную добавку к основной стипендии от Центра РРТ получили


более 20 одаренных студентов, ежемесячную премию к зарплате 2 молодых преподавателя.

В этом юбилейном для факультета году Центр выделил 800000 сум для поддержки преподавателей-ветеранов и молодых преподавателей. В ходе обсуждения на заседании Совета факультета представленных кафедрами кандидатур было принято решение назначить премию старшему преподавателю кафедры «Телевидения и радиовещания» Л. Кропивницкой, которая проработала на факультете более 40 лет и продолжает обучать студентов, заведующему кафедрой «Антенно-фидерные устройства», доценту Д. Ликонцеву, более 30 лет работающему на кафедре, которую организовал и возглавлял его отец Н. Ликонцев. На заседании были обсуждены также кандидатуры молодых преподавателей, среди ко-

торых немало активных, постоянно повышающих свой интеллектуальный и профессиональный уровень, уделяющих время и не жалеющих своих знаний и опыта для обучения и воспитания студентов. Единогласно были утверждены кандидатуры старшего преподавателя кафедры «Устройства радиосвязи» М. Назарова и ассистента кафедры «Радиотехника и радиосвязь» Х. Шаюсуповой.


Постоянное внимание и забота, а также ежегодная спонсорская поддержка со стороны Центра факультету имеют огромное значение для студентов и преподавателей, и даёт им стимул для эффективной дальнейшей работы.

Феруза КАСЫМОВА,
заместитель декана
факультета РРТ, кандидат
философических наук



Новости в сфере ИКТ

Microsoft УВОЛИЛА ИТ-ДИРЕКТОРА



Microsoft уволила директора по информационным технологиям Стюарта Скотта в минувшую пятницу, сообщает Information Week. Скотт проработал в компании два года, являясь также одним из ее вице-президентов. Ранее он в течение 17 лет занимал должность ИТ-директора в нескольких подразделениях General Electric. В 2003 журнал CIO Magazine включил его в число десяти лучших CIO.

Увольнение топ-менеджера Microsoft прокомментировала сдержанно, заявив, что Скотт нарушил внутрикорпоративные правила, что выяснилось в ходе расследования. О каких именно нарушениях шла речь, представители компании не уточнили. Сейчас Microsoft начала искать нового CIO, а до его назначения обязанности Скотта будут исполнять менеджер компании Шала Али и вице-президент подразделения по продажам, маркетингу и услугам Алан Крозьер.

Недавно компанию покинул еще один топ-менеджер, руководитель по маркетингу подразделения продукции Windows Live Мартин Тейлор.


ИРАНЦЫ БОЛЬШЕ НЕ СМОГУТ РЕГИСТРИРОВАТЬ ПОЧТОВЫЕ ЯЩИКИ В Hotmail и Yahoo Mail

Похоже, что жители Ирана больше не смогут заводить почтовые ящики в службах Yahoo Mail и Microsoft Hotmail. На днях эти сервисы исключили Иран из списка стран, который необходимо использовать интернетчикам при регистрации учетных записей, сообщает The Register. Возможно, этот шаг связан с тем, что две недели назад администрация Джорджа Буша решила усилить экономическое давление на правительство Махмуда Ахмадинежада.

Представители Yahoo говорят, что компания постоянно пересматривает свой бизнес, дабы удостовериться, что он не противоречит ограничениям, которые вводятся американским правительством. А поскольку против Ирана действуют новые экономические санкции, Yahoo больше не может позволить регистрировать ящики жителям этого государства.

Представители Microsoft комментировать ситуацию отказываются, а в Google полагают, что санкции никак не препятствуют включению Ирана в список стран, на территории которых доступны сервисы компании.

Экономические санкции против Ирана отразились и на пользователях популярного сервиса голосового общения по интер-



нету Skype. 30 октября корреспондент нидерландской газеты NRC Handelsblad в Тегеране обнаружил, что его платный аккаунт в Skype отключен. Журналист обратился за разъяснениями к администрации VoIP-провайдера, которая поведала ему, что компании, предоставляющей Skype финансовые услуги, запретили принимать платежи из Ирана.



АФОРИЗМ

**Кто ж виноват, что солнце светит днем,
А мышь летучая не ведает о нем?**

Алишер НАВОИ



Хабар +tv



ДУШАНБА — 19 НОЯБР

ОТАВЕСТОН

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 «Ассало, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Турмуш чоррадаларида» Т/с.
- 7.50 «Олтин мерос».
- 8.00-8.40 «Патриотизм».
- 8.45 «Олаи ва одам» дастури: «Замин дараёботлари».
- «Беллар сайраси»:
- 9.10 1. «Болалар дўноби».
- 2. «Farfaj sayit». Мультасериал.
- 10.25 «КиноТеатр».
- 10.50 «Кай мансардалари».
- 11.00 «Айборт».
- 11.15 «Анж, ёлгон» Т/с.
- 11.50 «Ортин бўйлаб» дастури: «Ом замин нахматлари».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундаги дастур.
- 13.05 «Ханон ёлғиз».
- 13.45 «Қўрқоқ оқиғалар».
- 14.00 «Айборт».
- 14.20 «Ватанларвар».
- 15.00 «Шахсий фикр».
- 15.55 «Даван эрсади».
- 16.15 «Олаи ва одам» дастури: «Чумолилар хорида қамат».
- 17.00 «Айборт».
- 17.15 «Олтин мерос».
- 17.20 «Ўзбекистон қўрқоноси».
- «Болалар сайраси»:
- 17.40 «Эрталар» — шашликча етаслар».
- 17.55 «Мен бир ривоят».
- 18.00 «Турмуш чоррадаларида» Т/с.
- 18.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги олдидан А. Сулей «Ўзбек давлати».
- 19.10 «Оналик оғушда».
- 19.20 «Санинг адолатчилигин».
- 19.25, 19.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 «Айборт» (рус тилида)
- 20.05 «ТВ шабоқор».
- 20.10 «Анж, ёлгон». Телесериял премьераси (Туркия)
- 20.30 «Мен бир ривоят».
- 21.00 «Айборт».
- 21.40 «Шерк тароқчалари».
- 22.00 «Кўнгли рингиста». Телесериял премьераси (Корея)
- 23.00 «Қўшимча, мухаббат» (SMS. Санда берилди)
- 23.15 «Иб калъасини мабути» Т/с.
- 00.20-00.30 Тўғи наволар.
- «Ўзбекистан».
- 00.30 Кўрсатувлар дастури.
- 00.35 «Ортин бўйлаб» дастури: «Тонгев тўғи йўнали».
- 01.00 «Айборт» (рус)
- 01.30 «Олтин мерос».
- 01.40 «Ватанларвар».
- 02.40 «Ўзбекистон қўрқоноси».
- 03.00 «Олис оқим». Визеобилым.
- 04.00 «Айборт».
- 04.25 «Олтин мерос».
- 04.45 «Мен бир ривоят».
- 04.50 «Турмуш чоррадаларида» Т/с.
- 05.40-05.55 Тонги наволар.



- 15.55 Дастуринг оқишда.
- 16.00 «ДАВР».
- 16.10 «Анжелока» Т/с.
- 16.40 «Сув — ҳаёт манбаи».
- 16.45 «Ибраҳимовий дунё» туркумидан: «Ер сайраси».
- 17.35 «Истиқомий умий йилгана бағишланди: «Матонат».
- 17.50 «Даринг боласи».
- 18.00 «Винни-Пух» Мультасериал.
- 18.20 «Болалар тибасоури».
- 18.25 «Ушбага» анимация.
- 18.30 «Мулки мултози».

- 18.50 «ЎзБЕХ хабарлари».
- 18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 15 йиллигида: «Қомусий»-19.00 «ДАВР».
- 19.30 «Эйлар симфониси» Т/с.
- 20.05 «Муслимий пахлав».
- 20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
- 20.20 «SMS-муслим». Ёш нарқонлар танлови.
- 20.40 «О, ёшларим».
- 20.45 «Эълонлар».
- 20.50 «Ишқилик уйи» Т/с.
- 21.35 «ЎзБЕХ хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
- 21.45 «ТВ-бон» текорат дастури.
- 21.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 15 йиллиги».
- 22.00 «ДАВР».
- 22.30 «Тоғистан — 2007 йилда ислом маданияти пойтахти».
- 22.35 «Билк наволар».
- 22.55 «Телефура».
- 23.00 «Денгиз хумқудори». Телесериял премьераси (Корея)
- 00.20 «Хайрат тур».

СОНСЕРВИС

- 17.50 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.55 Мультасериал: «Шук ва Байтар».
- 18.05 21.50 «Телекўрар» - маркет».
- 18.25 «Биласизми?»
- 18.30 «Пойтахт».
- 18.50 «Камалик» Т/с.
- 19.20 «Тў юрист».
- 19.25 «Муслим SMS».
- 19.50 «Саломат брани» /рус/.
- 20.00 «Пойтахт» /рус/.
- 20.15 «ТВ юрист» /рус/.
- 20.20 «Милгарос» Т/с.
- 20.50 «Илтироз» /рус/.
- 21.00 «Жанжаб».
- 21.30 «Пойтахт».
- 21.45 «Улардан».
- 22.10 «Алп қалби».
- 22.30 «Пойтахт» /рус/.
- 22.45 «Қисо SMS со звездами».
- 22.50-00.35. Кино: «Шахзоликий подель».

SPORT

- Телетомошабинга диққат!
- Профилактика инносабати белан, 19 ноябр кунин «Спорт» телерадиоканали уз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайдн.
- 18.00 «Полонко».
- 18.20 «Тет-а-тет».
- 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
- 18.50 «Муслим тайли».
- 19.10 «Спортдан кўнжалари».
- 19.30 «Футбол шарни».
- 20.00 «Жаи мен».
- 20.50 Баскетбол Евролига. ЦСКА — «Сливияски» (Греция)
- 21.30 «Хабарлар» (узб тилида)
- 21.50 «Профинг».
- 22.40 «Фанат мадакти» Сериял.
- 23.30 «Тўғийи оудиб бўлиси».

БИРИНЧИ

- 05.00, 07.50, 09.05 «Доброе утро».
- 07.05 «Фабрика»-2007
- 09.00, 12.00, 15.00 Новости
- 09.30 «Миллато» ++
- 10.30 «Контрпалла заўка!»
- 11.00 Сериял «Убийцаи саила»
- 12.15 «Маддий приговор».
- 13.25 «Детектив».
- 14.00 Дундаи новости
- 14.30 «Фабрика звезда».

- 15.15 «Почет. Простите».
- 15.50 «Лолита. Без комплексов».
- 16.55 «Федеральный судья».
- 18.00 Вечерние новости
- 18.15 «Жди меня».
- 19.05 Сериял «Татьянин день».
- 20.05 «Сча».
- 21.00, 03.00 «Время».
- 21.30 Сериял «Диверсант. Конец войны».
- 22.30 «Александр Абдулов. Самый обязательный и привлекательный».
- 23.20 «Фабрика звезда».
- 00.00 «Воз пращад об Ю».
- 00.50 Ночные новости
- 01.05 «Гвики и аллади».
- 01.40, 03.30 Х/ф «Лев зимой».

РОССИЯ

- 05.00 «Доброе утро, Россия!».
- 06.00 «Оружие России. Ракетные войска».
- 08.55 Х/ф «Спасибо за любовь».
- 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести
- 11.30, 13.40, 16.40 Вести-Москва
- 11.50 Т/с «Таинственный остров».
- 12.15 «Ступени». Телевизиорий
- 12.45 Док. Т/с «100 величайших открытий».
- 14.15 Т/с «Милка».
- 15.05 «Суд верет».
- 16.05 Т/с «Кулаки и партнеры».
- 17.30 Т/с «Ангел-хранитель».
- 18.35 Т/с «Тайны следствия».
- 19.40 Местное время. Вести-Московский область.
- 20.50 «Сказочной ночи, малыши».
- 21.00 Т/с «Случай любви».
- 22.10 Т/с «Оперативный повседневный».
- 23.15 «Вести ++».
- 23.35 «Гордак».
- 00.35 Вести. Дежурная часть
- 00.45 «Самыева».
- 01.15 «Дорожный патруль».
- 01.35 Х/ф «Разыскиваемый».
- 02.45 «Баронско» на русском языке

НТВ

- 06.00 «Сегодня утром».
- 09.05 «Сиденье вели...».
- 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.45 «Сегодня».
- 10.25 «Чрезвычайное происшествие».
- 10.55 «Кулинерий повседневный».
- 11.55 «Матричный вопрос».
- 13.25 Т/с «Закон и порядок».
- 15.30, 18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обсуж».
- 16.30, 01.35 Т/с «Возвращение Мухомора 2».
- 19.40 Т/с «Улицы разбитых фонарей В».
- 20.45 Т/с «Последние пушечные выстрелы».
- 22.00 Д/ф «За секунду до катастрофы».
- 23.00 Х/ф «Город проклятый».
- 01.00, 03.30 Т/с «Байки из склепа».
- 01.30 Х/ф «Поэтмиллы тел».

КУЛЬТУРА

- 05.00 «Баронско».
- 08.00, 17.30, 21.30 Новости культуры
- 08.20 «В главной роли...».
- 08.50 Х/ф «Окнаевский лес».
- 10.15 Другое Золотое кольцо. Ростов
- 10.30 «Литва жонглер». Виктория Токарева».
- 11.25 «Плюс юмор».
- 11.55 Смелость «Тыше-молочник».

- 13.25 «Русский стиль». Духовенство
- 13.55 «Барбар» сюжет.
- Тележанна «Бибигон» представляет: 14.00 М/с «Жили-были...». Искатели».
- 14.25 М/ф «Веселая карусель».
- 14.30 «Пустыня вперед!» Шоу
- 14.55 Док. фильм «Йоганн Штраус».
- 15.05 Док. сериял «Клуб любителей граммофона».
- 15.35 «Плюсы просвещения». «Плавильня судьбы». Прасковья Жемчугова
- 16.00 Док. фильм «Негев - обитель в пустыне».
- 16.15 «Достоиние республикан». Есенинское Константиновское
- 16.30 «БлокНОТ».
- 17.00 «Ночной полет».
- 17.55 Док. сериял «Эволюция».
- 18.50 «Острова».
- 19.35 Заградительный конструктор
- 20.05 «Тем временем».
- 21.00 Док. сериял «На фоне Пушкина».
- 1937».
- 21.50 Про арт
- 22.20 «Легенды мирового кино». Дюжон Фонтеня
- 22.45 Док. фильм «Ни звука назад!».
- 23.40 Док. сериял «Эволюция».
- 00.55 Док. фильм «Негев - обитель в пустыне».

СТС


- 08.00 Т/с «Лиззи Маугалер».
- 06.45 М/ф
- 08.55 М/ф
- 09.00, 19.00, 01.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 09.30, 21.00, 01.30 Т/с «Палачи дочей».
- 10.00, 22.00 Т/с «Калостер».
- 11.00, 21.30, 02.00 История в деталях.
- 11.30 Т/с «Белли без оглядки».
- 13.30 Т/с «Безмолвий свидетель».
- 14.30 «Сменить это немедленно».
- 15.30 М/с
- 19.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма».
- 18.30 «Галлило».
- 20.00 Т/с «Тайны Сибири».
- 23.00 Х/ф «Мошенники».
- 02.30 «Детали».

ТВ3

- 08.00, 10.30 М/ф
- 09.15 М/с
- 11.30 Х/ф «Приключения короля Артура».
- 13.30, 17.00 Улыбка за 23 минуты.
- 14.00 Решити судьбы».
- 15.00, 19.00 Т/с «Звездные врата».
- 16.00, 21.00 Т/с «Охотники за невестой».
- 17.30 «Улси».
- 18.30 Т/с «Мурашки».
- 20.00 Т/с «Фрэнк».
- 22.00 Д/ф «За секунду до катастрофы».
- 23.00 Х/ф «Город проклятый».
- 01.00, 03.30 Т/с «Байки из склепа».
- 01.30 Х/ф «Поэтмиллы тел».

ТНТ

- 05.45 Т/с «Любовь и тайны Санкт Петербурга».
- 08.30, 13.30, 19.00 Такси.
- 06.55 «Любительские новости».
- 07.00 Утро.
- 12.00, 18.00, 20.00 Т/с «Остатки вместе».
- 11.00 М/с
- 14.00 Т/с «Саша+Маша».
- 15.00, 21.00, 23.55, 02.00 «Дом 2».
- 16.00 Комедия «Пришлюпы в Америке».
- 19.30 Москва: инструкция по применению.
- 22.00 Комедия «Агент Коки Банкс».
- 00.25 Сэмс с А. Чесноков».
- 01.05 «Насобиляево, но факт».
- 02.55 Т/с «Любовь денгенин».
- 05.10 «Маски-шоу».




5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чоррақларида» Т/с.
7.50 «Олтин мерос»
8.00-8.35 «Айборот»
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройботлари»
13.00 Марказ NEWS (рус)

14.00 «Сунмас озулар»

15.55 «Баби хитс»

16.20 Мультфильм

17.30 MTVA-award-2007

19.30 Сернал «Жасинга ўқашин йўк»
14-серия

20.20 Марказ NEWS (рус)

21.20 «Юдугали пайшанба»

21.30 Марказ NEWS (рус)

21.30 «Премьера» (рус)

23.00 Сернал «Жасинга ўқашин йўк»
13-14-сериялар (тақрор)

00.00 Миксер

07.00 08.30 09.10 10.40 12.05 13.05 13.40
15.00 17.00 18.40 20.00 20.25 21.00 21.25
22.00 Ўзбек навоилари

Жума

08.00 Сернал «Жасинга ўқашин йўк»
14-серия
08.00 «Дневник MTVA-2007»
10.00 «Топ-20» (тақрор)
12.00 Марказ NEWS (рус)
13.00 Марказ NEWS (рус)
14.30 «Юдугали пайшанба»
15.55 «Баби хитс»
16.20 Мультфильм
18.00 «Кинокурлар»
18.30 «Дневник MTVA-2007»
19.30 Сернал «Жасинга ўқашин йўк»
15-серия
20.20 Марказ NEWS (рус)
20.30 «Набат Рашид Холматов билан»
21.20 Марказ NEWS (рус)
21.30 «Премьера» (рус)
22.30 «НОМУС» бадирий фильм
00.15 Миксер

Шанба

07.00 08.30 09.10 11.10 13.15 14.30 16.00

17.00 21.45 Ўзбек навоилари

08.00 «Юдугали пайшанба»

09.00 «Дневник MTVA-2007»

09.30 «Баби хитс»

10.20 «Беш панка» (рус)

10.40 Мультфильм

11.30 «НОМУС» бадирий фильм

13.30 «Дневник MTVA-2007»

14.00 «Премьера» (рус)

15.30 «Кинокурлар»

16.30 «Спец.репортаж»

17.30 «Бадирий кенгаш»

18.05 18.40 19.20 20.40
18.30 «Дневник MTVA-2007»

19.00 «Шабба ошқомиди»

19.30 Сернал «ПARIЖДИГИ МУАББАТ»

21.00 «Сунмас озулар»

22.20 «ЛЫСЫЙ НЯНЬКА» Х.ф.

00.20 Миксер

Якшанба

07.00 08.45 11.10 13.20 13.40 17.00 18.10
20.40 22.00 Ўзбек навоилари
08.00 «Сунмас озулар»
09.00 «Шабба ошқомиди»
09.20 «Дневник MTVA-2007»
09.30 «Баби хитс»
10.20 «Беш панка» (рус)
10.40 Мультфильм
11.30 «ЛЫСЫЙ НЯНЬКА» Х.ф.
13.30 «Дневник MTVA-2007»
14.00 «Премьера» (рус)
14.35 Сернал «Жасинга ўқашин йўк»
11-15-сериялар (тақрор)
17.30 «Топ-20»
19.00 MTVA-award-2007
19.30 Сернал «ПARIЖДИГИ МУАББАТ»
8-серия
21.00 Концерт
22.30 «ЭОН ФЛАКС» Х.ф.
00.15 Миксер

RTR SPORT

Душанба

06.45, 11.00, 11.10, 15.30, 18.10, 23.10, 03.30
Вести-спорт
09.00, 10.00 Зарядка с чемпионом
09.15 М.ф.
10.15 Мир детского спорта
10.45 Мастер спорта
11.15, 03.45 Волейбол. Мужчины.
Россия - Австралия
13.15 Худ. гимнастика. Гран-при.
Юнайтед, Финал
15.35 Гандбол. Женщины. «Савех»
(Шве) - «Звезда» (Рос)
17.20 «Летонись спорта»
17.55 Рыбалка с Радзишевским
18.25, 06.10 Хоккей. «Салават Юлаев»
(У) - «Авангард» (ХК) - ХК МВД
(М.р.)
23.30 «Самый сильный человек»
00.20 Неделея спорта
01.25 Худ. гимнастика. Гран-при. Финал

Сешанба

08.10 «Летонись спорта»
08.45, 11.00, 14.50, 18.40, 23.15, 02.05
Вести-спорт
09.00, 10.00 Зарядка с чемпионом
09.10 М.ф.
09.35 М.с.
10.15 Сернал «Своя команда»
10.45 Мастер спорта
11.10, 17.05 Неделея спорта
12.15, 23.35 Волейбол. Мужчины.
Россия - Тунис
14.15 «Сборная России». Оксана
Слявенко
14.55 Хоккей. СКА (С-П) - ХК МВД
(М.р.)
18.05, 01.30 Скоростной уахот
18.55 Хоккей. «Металлург» (М) -
«Сибирь» (Н)
21.10, 04.20 Футбол. Отб. турнир.
Молодежные сборные. Грузия - Россия

02.20 Хоккей с мячом. Финал. «Динамо»
(Рос) - «Звезда» (Шве)

Чоршанба

07.00 Гандбол. Мужчины. «Ирри» -
«Зара Каспий» (Н)
08.45, 11.00, 14.55, 18.10, 00.15,
02.40 Вести-спорт
08.00, 10.00 Зарядка с чемпионом.
09.10 М.ф.
09.35 М.с.
10.15 Сернал «Своя команда»
10.45 Мастер спорта
11.10 Скоростной уахот
11.45 Рыбалка с Радзишевским
12.30 Хоккей. «Металлург» (М) -
«Сибирь» (Н)
14.05 «Самый сильный человек»
15.00 Футбол. Отб. турнир. Молодежные
сборные. Грузия - Россия
17.05 «Сборная России». Оксана
Слявенко
17.40 Путь Дракона
18.25, 02.50 Хоккей. «Салават Юлаев»
(У) - «Спартак» (М)
20.50 Профбюкс. Джермен Тейлор -
Касима Оун
22.00, 05.00 Баскетбол. Мужчины.
ЦСКА (Рос) - «Жальгирис» (Лит)
00.40 Футбол. Отб. турнир. Португалия -
Финляндия

Пайшанба

07.00 Гандбол. Женщины. «Савех»
(Шве) - «Звезда» (Рос)
08.45, 11.00, 15.00, 18.40, 23.15,
03.15 Вести-спорт
09.00, 10.00 Зарядка с чемпионом
09.10 М.ф.
09.35 М.с.
10.15 Сернал «Своя команда»
10.45 Мастер спорта
11.10, 23.35 Волейбол. Мужчины.
Россия - Корея
12.50 Путь Дракона
13.20 Баскетбол. Мужчины. ЦСКА

(Рос) - «Жальгирис» (Лит)

15.10 Футбол. Отб. турнир. Португалия - Финляндия

17.00 Автоспорт. Чепм. мира по ралли

18.10 Точка отрыва

18.55, 04.30 Хоккей. «Металлург» (М) -
«Металлург» (Н)

21.10 Футбол. Отб. турнир. Андорра - Россия

01.30 Мировая серия по супермотокроссу

02.40 Точка отрыва

09.25 Автоспорт. «Ралли Ирландия»

Жума

06.45 Баскетбол. Мужчины. ЦСКА (Рос) -
«Жальгирис» (Лит)
08.45, 11.00, 15.50, 19.10, 23.50,
30.10, 03.10 Вести-спорт
09.00, 10.00 Зарядка с чемпионом
09.10 Мультфильм «Незнайка в Солнечном городе»
09.35 Мультосериал «Батман»
10.15 Сернал «Своя команда»
10.45 Мастер спорта
11.10 Точка отрыва
11.45 Хоккей. «Металлург» (М) -
«Металлург» (Н)
13.55, 00.15 Волейбол. Мужчины.
Россия - Япония
15.55 Художественная гимнастика
18.00 Профбюкс. Антонио Маргарито -
Джозуа Клотти
19.20 Рыбалка с Радзишевским
19.25, 02.35 Летний игры экстра-маленьких
видов спорта «Адреналин Геймз»
20.10 Гандбол. Мужчины. «Чехославская
медведей» (Рос) - «Виборг» (Дан)
21.55, 04.30 Баскетбол. Мужчины.
«Динамо» (Мос) - «Химки» (М.р.)
01.30 Мотоспорт

Шанба

07.20 Волейбол. Муж. Россия - Япония
08.00, 11.00, 11.10, 14.35, 18.40,
00.00, 00.20, 02.35 Вести-спорт
09.10 Гандбол. Мужч. «Чехославская
медведей» (Рос) - «Виборг» (Дан)
11.15 Спортивная зарница
11.45 Профбюкс.
12.25 Профбюкс.
13.30 Мотоспорт
14.45, 04.45 Хоккей. «Динамо» (М) -
«Салават Юлаев» (У)
17.15 «Самый сильный человек»
18.05 Футбол. Журнал ЛЧ
18.55 Баскетбол. Муж. ЦСКА - УНИКС
20.45 Профбюкс.
21.55 Футбол. Чепм. Италии. «Дженова»
«Рома»
00.25 Хоккей. «Салават Юлаев» (У) -
02.45 Волейбол. Межд. турнир. «Кубок
Балтия». Мужчины. 1/2 финала

Якшанба

06.50 Футбол. Чепм. Италии. «Дженова» -
«Рома»
09.00, 10.35, 10.45, 14.15, 18.50,
23.55, 00.15, 02.30 Вести-спорт
09.10 Стрельба из лука
10.05 Страна озорников
10.50 Шахматы. Дневник Кубка мира
11.00, 02.45 Волейбол.
13.05 Мотоспорт
14.25 Гандбол. Мужчины. «Банни»
(Чех) - «Зара Каспий» (Рос)
15.55 Хоккей. «Авангард» (О) - «Металлург» (М)
18.15 «Сборная Россия». Иван Черзов
19.00 Стрельба из лука
19.55 Футбол. Жеребьевка Чепм.
мира 2010 года
21.55 Волейбол. Межд. турнир. «Кубок
Балтия». Мужчины. Финал
02.35 Футбол. Чепм. Италии. «Ювентус» -
«Палермо»

TV-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

WWW

Германия миллий домени (DE) номларни рўйхатга олиш бўйича миллий доменлар орасида биринчи ўринда туради. Бундан ташқари, бу борада немис домени фақат COM доменидан сўнг иккинчи ўринни банд этиб турибди. Жорий йилнинг сентябрида мазкур доманда расман қайд этилган номлар сони 11 278 494тага етди. Шу ўринда, немис доменининг бунчалик оммалашуви сабаб нима, деган ўринли савол туғилиши табиий.



ЕТАКЧИ МИЛЛИЙ ДОМЕН

Шу йил баҳорда, Жамнатчилик фикри жамғармаси маълумотларига қараганда, интернетдан фойдаланувчилар сонига кўра Германия Европада биринчи ўринни эгаллаган (44 миллион фойдаланувчи). Бу мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи демакдир (2006 йилда 83 миллион киши). Кўриниб турибдики, интернетта мувожаат этувчи хар туртинчи немис фойдаланувчиси ўз доменига эга. Бизнесингча, немисларнинг бу жабҳадаги фаоллигини уларга хос менталитет, интернет соҳасидаги нархларнинг ҳаммабоғлиги ва қолаверса, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳам глобал тармоққа уланиш имкониятларининг яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Рўйхатдан ўтказиш ўтган асрнинг 90-йиллари нихосида, бизнес-моделли интернетда ишлашга асосланган лойиҳалар пайдо бўла бошлаши билан авжига чиқди. Ҳозир эса DE доменида ўсиш 2 фоизни ташкил этади.

Ўтган йили DW-WORLD.DE тармоқ ресурси Германия домен индустриясига оид тадқиқотларини омма эътиборига ҳавола этди. Унга кўра, масалан, доменлар сони бўйича Берлин етакчилик қилмоқда. Аҳоли жон боғи шай сайтлар бўйича эса Дюсселдорф, Гамбург ва Мюнхен шаҳарлари пешқадам ҳисобланади.

DE маъмурияти DENIC компанияси доменларни рўйхатга олиш тизимини ўз вақтида оsonлаштирган эди, бу "домен — биринчи мувожаат қилганга" тамойили асосида фаолият кўрсатаётган COM зонасиникига ўхшаш, шу омилнинг зийбек немис интернет саноатининг ривожланишида катта рол ўйнамоқда.



Германияда жисмоний ва юридик шахслар доменига эгаллик қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, чет эл фуқаролари ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин, фақат бунинг учун улар резидент, яъни мамлакатда доимий яшовчи чет эл фуқароси мақомига эга бўлишлари лозим. DE зонасида доменини рўйхатдан ўтказувчи резидент бўлмаганлар орасида Австрия ва Швейцария фуқаролари салмоқли ўринга эга.

Германия миллий доменидаги сайтлар биринчи галда немис бозорига кириб келаётган компаниялар эътиборига тушмоқда. Масалан, йирик онлайн-аукцион eBay ўз сайтининг янги мўқобилини биринчи галда Германияда ишга туширгани бежизга эмас. Чунки бу мамлакат eBay учун АҚШдан кейинги иккинчи йирик бозор ҳисобланади.

Шунингдек, Германияда домен номларининг иккиламчи бозори ҳам яхши ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу соҳада етакчи Sedo компанияси бозор ривожини кафолатлаб келмоқда.


Домен қиймати ҳам кўп нарса боғлиқ. Маъмур рўйхатдан ўтиш йилига 58 еврони ташкил этади, илгари қўшимча қиймат солигини ҳам ҳисоблаганда 116 евро тўланарди. Таққослайдиган бўлсак: Германияда номнинг нархи ўртача 1,50 евро, энг кам иш ҳақи эса, масалан, фаррошлар хизмати учун соатига 7 евро тўланади. Шунинг учун ҳам кўплаб немис интернет фойдаланувчилари ўзлари учун доменлари сотиб олаётганликларига ажабланмаса ҳам бўлади. Кўп мамлакатларда домен баҳоси 2500 доллар қийматида баҳоланадики, бу ҳолат доменларнинг оммалашувига тўсиқ бўлмоқда.

Рўйхатдан ўтказиш сонига кўра, 5 миллионлик довондан ўтган Буюк Британия ва Хитой кучли учликдан жол оған. Балки келгусида бу ва бошқа мамлакатлар Германияга етиб олишар, балки ўтиб ҳам кетишар. Аммо бунинг учун худди Германияда бўлганидек, иккинчи барқарорлик, рўйхатдан ўтиш учун қулай шароит ва имтиёзлар кафолатланиши лозим.

ALOQA OLAMIDA

ОСТАНКИНО РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

"Россия телевизион ва радиоишратиш тармоғи" (РТРТ) бош директори Геннадий Склярнинг сузларига қараганда, Останкино телемаркази рақамли узатиш стандартига ўтишга тайёр.



Яқинда ҳукумат комиссиясининг телерадиоишратиш масалаларига бағишланган йилги йилида 2008—2015 йиллар учун телерадиоишратиш концепцияси тасдиқланди. Склярнинг таъкидлашича, 2008 йилнинг иккинчи чорағида мақсадли федерал дастур ҳам тасдиғини топиши керак. Бу борада РТРТнинг ўз дастури бор. Дастурда амалдаги телерадиоишратиш инфратузилмасини тартибга келтириш, рақамли узатишчиларни ўрнатиш, янги авлод йўлдошли узатиш тизимларини яратиш каби тадбирлар кўзда тутилган. Бу ишларни амалга ошириш учун 40 миллиард рубл (1.63 миллиард АҚШ доллари) миқдорда сармоя керак.

ХИТОЙ ОЛРС ЛОЙИХАСИГА ҚЎШИЛДИ

ОЛРС лойиҳаси доирасида ХО ноутбукларини оммавий тарзда ишлаб чиқаришга киришилди. Бу иш Quanta Computer компанияси (Тайван)нинг Хитой худудида жойлашган корхонаси зиммасига юклатилди. ОЛРС ташкилотчиларига компютер етказиб бериш тўғрисида Уругвай ва Монголия ҳукуматларидан буюртма келиб тушган.

Ривожланаётган мамлакатларда яшовчи ўқувчилар учун мўлжалланган бу ноутбукларнинг нархи 100 доллардан ошмаслиги режалаштирилган эди, аммо ҳозир 200 доллар нархда сотилмоқда. Бошқалар ҳам бу ноутбукка харидор бўлиши мумкин. Фақат улар иккита ноутбукнинг пули (400 доллар)ни тўлашади. Give 1 Get 1 дастури шартларига кўра, иккинчи компютер ёрдам тариқасида ривожланаётган давлатлардан бирига юборилади.

SAMSUNG ЯПОНИЯНИ ТАРК ЭТАДИ

Жанубий Кореянинг Samsung Electronics компанияси фойда олиш кўрсаткичи пастиги боис япон бозорига маиший электроника маҳсулотлари етказишни тўхташга қарор қилди. Чунки Matsushita, Sony ва Sharp сингари кучли маҳаллий рақобатчилар корейс компаниясига ҳеч қандай имконият қолдиришмади.



Samsung сўнги йилларда АҚШ ва Европа бозорларида муносиб рақиб бўлиб келаётгани, бироқ ўларнинг ватанида бу ишни уddалаш оson бўлмади.

Таҳлилчиларнинг баҳолашларича, Samsung маҳсулотларининг сифати жуда юқори. Фақат рақобатчиларига қараганда япон харидорлари учун нотанишроқ бўлгани ва нотўғри маркетинг сиёсати боис компаниядан кунчиқар ўлкада омад юз ўтирган.

МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР: СЎНГИ ЕТТИ ЙИЛ

Research and Markets компанияси мобил телефонлар ривожланиш босқичларини тоифалаб чиқди. Демак, сўнги етти йилда амалга ошган энг катта ўзгаришлар қуйидагилар:

- 2001-2002 йиллар — монотон кўнғирроқлар ўрнини аккорд (турли балангликлар) бир нечта товушнинг ҳаммадан бирлиги) рингтонлар эгаллади.
- 2002-2003 йиллар — оқ-қора тасвирли дисплейлар ўз ўрнини рангли дисплейларга бўшатиб бера бошлади.
- 2003-2004 йиллар — фотокамерали мобил телефонлар чиқарила бошланди.
- 2005 йил — mp3-плеер ўрнатилган илк телефон ишлаб чиқарилди. Бу омил телефонлар хотираси ва аккумуляторлари сизимдорлигини кенгайтириш-томон туртки берди.
- Ҳозир телефонларнинг тасвирга олиш ва видеоконтентни симсиз узатиш оммалашуви кенг йўл очувчи видеофункцияси ривожланишда давом этапти. Бу, ўз навбатида, DV, MP4, оқимли видео, мобил ТВ, ҳамда GPS ҳажмли мобил аппаратларнинг кўплаб пайдо бўлишига замин ҳозирлайди.



KO'RIK-TANLOV

АХОЛИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НЕГИЗИДА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИДАН БИРИДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 21 МАЙДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2010 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИДА ҲАМ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, АХОЛИГА ЗАМОНАВИЙ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЎРСАТИШ, ИҚТИСОДИЙ ҲОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА БАНДЛИК МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАКЛИГИ АЛОҲИДА УҚТИРИЛГАН.

Энг яхши хизматчилар аниқланди

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиалларида "Энг яхши почта хизматчиси" кўрик-танлови босқичма-босқич ўтказилмоқда.

Яқинда "Тошкент почтамати" филиалида кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда дастлабки босқичда голиб чиққанлар — Чилонзор почта алоқаси тармоғи 151-алоқа бўлими бошлиғи ўринбосари Хилола Мусаева, Сирғали почта алоқаси тармоғи 204-алоқа бўлими бошлиғи Наргиза Жуманиёзова, Мирзо Улугбек почта алоқаси тармоғи 142-алоқа бўлими бошлиғи ўринбосари Валентина Саломатова, Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғи 98-алоқа бўлими бошлиғи Людмила Шахова ҳамда "Сугурта" участкаси бошлиғи ўринбосари Зухра Зариповалар иштирок этишиб, учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Жумладан, аҳолига замонавий ахборот технологиялари негизидаянги турдаги почта хизматини кўрсатиш шarti бўйича иштирокчилар 15 дақиқа давомида почта алоқаси бўлимида иш кунини очиб, компютерни ишга тушириш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш, шунингдек,

электрон пул ўтказмасини қабул қилиш, мижоздан электр алоқа хизматларига тўловларни қабул қилиш, мижозларга интернет-кафеда хизмат кўрсатиш, электрон почта қабул қилиш ва жунатиш, интернетга кириш ва унда ишлаш, электрон почта жўнатмаси (гибрид почта)ни қабул қилиш ва етказиш каби хизматлардан бирини амалда бажариб кўрсатдилар.

Кўрик-танловнинг бадий қисмида ижро этилган кўшиқ ва рақслар, шеър ва монологлар томошабинларни, айниқса, мамнун этди.

— Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишда бу каби танловларнинг аҳамияти катта, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Тошкент почтамати" филиали касаба уюш-

маси кўмитаси раиси Тамара Муҳаммаджонова. — Кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида иштирокчилар кўп янгиликлардан хабардор бўлдилар. Биз бу каби танловларни кейинчалик ҳам юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилаверамиз.

Ҳакамларнинг ҳаққоний баҳоларига кўра, биринчи ўрин "Сугурта" участкаси бошлиғи ўринбосари Зухра Зариповага насиб этди ва у республика босқичига йўллана олди. Наргиза Жуманиёзова ҳамда Людмила Шаховалар иккинчи ҳамда учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

Танлов голиб ва иштирокчилари қимматбахо совғалар билан мукофотланди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибига кирувчи филиаллар, туман, шаҳар почта алоқаси тармоқлари, улардаги касаба уюшма кўмиталари билан ҳамкорликда ўтказилаётган кўрик-танловнинг биринчи босқичи голиблари қаторида Хатирчи туманидаги Янгиработ почта алоқаси тармоғига қарашли «Новот» алоқа бўлими бошлиғи Зоҳиджон Саъдуллаев ҳам бор.

Зоҳиджон ёш бўлса ҳам, танлов талабларини тўлиқ бажаришга етадиган билим ва тажрибага эга эканлигини намойиш этди. У кўрик-танлов шартларини бекум кўст бажариб, голибликни кўлга киритди ҳамда беллашувнинг вилоят босқичига йўллана олди. Бундан ташқари, у раҳбарлик қилаётган «Новот» алоқа бўлими салкам олти минг аҳолига, 1100 пенсионер ва нафақачига намунали хизмат кўрсатаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Шу боисдан ҳам мазкур бўлим Янгиработ почта алоқаси тармоғининг асосий таянчи ҳисобланади. Тармоқдаги бир ойлик тушумнинг 67 фоизини таъминлаётган бўлим, албатта, барча соҳаларда голиб бўлиши табиий.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири



"Энг яхши почта хизматчиси" кўрик-танловининг иккинчи босқичи "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида ҳам ушқоқлик билан ўтказилди.

Иштирокчилар почта алоқаси бўлимида замонавий хизматларни кўрсатиш, почта хизматининг халқ ҳўжалигида тутган ўрни, аҳолига замонавий ахборот технологиялари негизидаянги турдаги почта хизматларини кўрсатиш борасида кўч ва билимларини намойиш этдилар. Шунингдек, улар бадий қисм шартида ҳам ўзларининг истеъдодларини кўрсатдилар.

Кўрик-танловда Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси сугурта алоқа бўлими бошлиғи Зулхумор Дилмуродова энг юқори балл тўплаб голибликни кўлга киритди ва танловнинг республика босқичида филиал шарофтини Ҳимоя қиладиган бўлди.

Яқабоб ва Шахрисабз почта алоқаси тармоқларидан иштирок этган вакиллар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

"Ўзи-Термиз" филиалида "Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими", "Энг яхши сервис хизмати ходими" ва "Энг намунали телекоммуникация боғламаси" кўрик-танловлари ўтказилди.

"Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими" номинацияси бўйича голибни аниқлашда фақат "Абонент карточкалари", "Назорат варақаси" ҳамда "Алоқа монётрларининг ҳисобот варақаси" йўриқномалари асосида иш юритиш аҳоли эмас, балки ишонанинг тозалиги ва профилактика тадбирлари ҳам ҳисобга олинди. Бу борада 10-АХЕ станциясининг 7-кросс электромеханиги Нигора Орифбоева фаол деб топилди. У кроссда хавфли кесимчалар рўйхати, шахта-кросс ва станция-кросс оралигидаги кабелларни тартибга келтириш каби долзарб ишларга ҳамisha ҳушёрлик билан ёндашмоқда.

Ҳадича Тўлаева ҳам кўрик-танлов голиблари қаторида ўрин олди. У мижозлар бўлими ходими сифатида етарли маҳорат ва тажрибага эга эканлигини кўрсатди. Унинг мижозларга ҳушмуомалалиги, саволларга аниқ ва лўнда жавоб бериши жамоа муваффақиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

— Яқин вақт ичида филиалимиз тасарруфидаги автомат телефон станциялари тўла рақамли электрон станциялар билан алмаштирилади, — дейди "Энг яхши сервис хизмати ходими" номинациясининг голиби Ҳадича Тўлаева. — Шундан сўнг

Маҳорат ва тажриба эгалари

қўшимча хизмат турлари кўпаяди. Ўз-ўзидан аёнки, янгилик зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

"Энг намунали телекоммуникация боғламаси" номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танловда учта жамоа иштирок этди. Улар орасида малакали мутахассис Худойберди Келдиев бошчилигидаги ЛАЦ ва МТС бўлимига тенг келадигани топилмади. Шаҳарлараро сўзлашув хизматининг юқори сифат кўрсаткичлари даражасида йўлга қўйилаётгани шундай муваффақиятни таъминлади. Тегишли ҳулосага келишда раҳбарнинг мураббийлик ҳаракатидаги ўрнига ҳам эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, Худойберди ака ўнлаб шоғирдларга устозлик қилган. Бугун Файрат Холиқов, Ҳикоят Сарфаразова, Бахтиёр Тошматов каби ўринбосарлар мураббий билан биргаликда меҳнат қилишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтказилган кўрик-танлов филиал жамоасини жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш даври келганлигидан яна бир бор огоҳ этишда ўзига хос аҳамият касб этди.

"Сурхондарё Телеком" филиалида ҳам худди шундай кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Филиалнинг кабел участкаси бошлиғи Соат Қобилов "Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими", режа ва иқтисод бўлими иқтисодчиси Роза Шамсиева "Энг яхши сервис хизмати ходими", Бобур Менглиев бошлиқ Бандихон телекоммуникациялар боғламаси эса "Энг намунали телекоммуникация боғламаси" деб топилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

"Ўзи-Самарқанд" филиалида ҳам сифат кўрсаткичини янада яхшилашда амалий натижа берувчи тадбирлардан бири — "Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими" кўрик-танлови ўтказилди.

"Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими" кўрик-танлови 1-босқич якуни бўйича 225-АТС кросс ходими Феруза Мустафоева, 215-АТС кросс ходими Маҳбуба Аҳмедова ва 237-АТС кросс ходими Мамлакат Маждидова голиб деб топилган бўлса, Олим Яҳёев, Марина Некрасова ва Аҳрор Отамуродовлар "Энг яхши линия муҳандиси", Инна Шегай ва Армен Григорянлар "Энг яхши сервис хизмати ходими" дея эътироф этилди.

Ушбу тадбир йиғилганларни ўз соҳаларида бундан кейин ҳам кўпроқ масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишга ундаши табиий, албатта.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

ЭЪЛОН!

ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ФТМТМда мавжуд кўйидаги вакант лавозимларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича олий маълумотга эга, мазкур соҳада ҳамда вакант ўринга мос йўналишларда камида 5 йил ишлаган, замонавий ахборот технологиялари билан мукамал даражада ишлаб олувчи, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган фуқароларни танлов асосида ишга қабул қилади:

Бўлим бошлиғи (электромагнит мослашуви хизмати учун радио-алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўйича мутахассис);

Бўлим бошлиғи (почта алоқаси бўйича мутахассис);

Етақчи муҳандис (ЎзАААнинг даврий журнали учун мутахассис).

Ишга киришни хоҳловчилар 2007 йил 1 декабрга қадар марказнинг ходимлар бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 150-34-08.
Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишомол (олдинги Ж.Обидова) кўчаси, 7-А уй.
Мўлжал: Транспортларнинг "Бодомзор" бекати.

ОЧЕРК

Бир кўришда муҳаббат... Немис қизи Эрна шундай қудратли туйғу борлигига ишонмасди. Ўз бошига тушганда билдики, бор экан. У йигит агар "юр" деса, дунёнинг бурчагига кетишга ҳам тайёр эди. Шундай бўлди: "Юр, Ўзбекистонга", деди у.

Жозибали умр

— Ота-онамни, опа-укаларимни, туғилган юртимни ташлаб-а?!

— Мен жон деб қолардим. Бироқ отам урушда ҳалок бўлган. Онажоним ёлғиз. Ўғил сифатида қиладиган ишларим кўп...

О, муҳаббат. Уни буюклар тубсиз қоя ёқасидаги гулга менгайдилар. Унга етмоқ оташ қалблардан жасорат талаб этарди. Иккаласида ҳам жасорат юз кўрсатарди.

Эрнанинг оиласидагилар бу кутилмаган хабардан хайрон-лол қолишди. Лекин кўп мулоҳаза қилиб, ёшларни тушунишди, талпинган юракларни кўриб туршарди, қўллашди, оқ фотиҳа беришди.

Шаҳрибу ая келинини яхши кутиб олди. Пешонасидан оҳиста ўпар экан, "Ўғлимга ёқибсиз, дедим, шунга лойиқсиз, — деди. — Кўша қаринглари. Айланай, тортинманг, ўқинманг, келиним эмас, қизим дей..."

Яна қанчадан-қанча насихатлар қилди. У ана шу айтилганлардан бир умрликка хулосалар чиқариб олди. Мусулмончилик амаллари-га, ўзбекчилик урф-одатла-

рига меҳр кўйди, риоя қилди.

Ахир, туйғулари ҳақиқий эканлигини онасига, опаларига амалда намойён этиб яшаши шарт. Шаҳрибу опа орзулаган даражадаги келин бўлишга аҳд қилди. Оила фароғати учун нима зарур бўлса бажо келтиришга интилди.

Аминжон мактабда ўқитувчилигини давом эттирди. Эрна туман алоқа бўлимида ҳисобчи бўлиб ишлаш бошлади.

Севишганлар бир-бирига кўникиб, жамоада ўз ўринларига эга бўлиш сирларини ҳам бир-бирларидан ўрганиб яшадилар ва кам

бўлмадилар. Ҳаёт аёлдан доимо поклик ва тўғрилиқ, фидоилиқ талаб этар экан. Буни яхши англа-олиятини Эрна ҳаёти-фанолиятини шунга мос кўра олди. Шунинг учун ҳам ишда, ҳам оилада хурмат қозонди.

Зотан, соф қалбли инсонларнинг барча ишларида ҳамини мусаф-фолик зоҳир. Ҳаётбахш туйғу — меҳр-муҳаббат бўлса бас, ҳар қанча машаққат арзимас ва ҳечдир.

Ишдан чарчаб келса-да, оиланинг иссиқ муҳитида яйраб-яшнаб кетарди Эрна. Бу муқаддас даргоҳ уни ўз фарзандидек бағрига олди. Аминжон ҳам рафиқасининг

қадр-қимматини ошириб яшашга ҳаракат қиларди. Таассуфки, икки севишган қалбнинг ошuftа баҳор ичидаги ҳаёти жуда қисқа бўлди. Атиги йигирма йил... Ҳаёт қонун-қоидалари олдида бандаси ожиз экан. Аччиқ жудолик кулфати вужудини ўртаган чоғларда Шаҳрибу онанинг матонатига қойил қоларди.

— Аллоҳнинг хоҳиши, болам, иродасига қарши бориб бўлмайди. Рози бўлайлик. Ўзига керак экан.

Бир неча йил ўтиб 89 ёшда қайнонаси ҳам вафот этди. Сендан минг бора розиман, болаларингни роҳатини кўр, дея ўлими олдида дуо қилди. Уларни ёдлаб, Қуръон оятларидан ўқиганда ширин хотиралардан кўнгли чарогон бўлиб кетади. Шунда яна бутун вужуди билан яшашга, фарзандларига ва жамоасига қайноқ меҳрини беришга шошилади. Ўғиллари Фаҳриддин ва Хусниддин, келинлари Нилуфар ва Дилноза, беш нафар невараси ҳақида гапирса шундай яйраб кетадики, она сифатида Эрна опа қанчалар бахтиёр эканлиги яққол сезилади.

— Эрна опа Раҳмонова соҳамизда иш бошлаганига 33 йилдан ошди. 1992 йилдан буён бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келади, — деди Олтиариқ телекоммуникациялар боғламаси бошлиги Музаффаржон Асқаров. — Тўғри ишлайди, ҳаммадан аниқлик ва пухталиқни талаб қилади. Ойда 20 млн.

сўм даромад олаётган бўлса, бунда онанинг хизматлари жуда катта. Дебиторлик қарздорлиги ойлик даромадининг 0,4 фоизига туширилиши замирида ҳам онанинг югуриб елишлари ётибди. Гулнора Сирождинова, Гулнора Набиева, Сайфиддин Аваназаров каби сеvimли шогирдлари бор. Касбининг сирларини ёшларга эринмай ўргатгани ҳам онанинг қанчалар меҳри дарё инсонлигидан далолат.

Бир йили Ганновер шаҳри (Германия)да бўлиб қайтди. Опаси уни бутунлай олиб қолишга астойдил уринди.

— Марта, қололмайман. Саккиз асрлик қадимий шаҳар гўзаллигидан хайратда лолман. Аммо Олтиариқ, Олтиариқ, деб ураётган юракка буюриб бўлмаса, нетай?!

Қариндош-уруғлар кўзда ёш билан хайрлашдилар. Олтиариқ заминига қадам қўйдию юраги бир маромда тепа бошлади. Шунга ҳам мана ўн йил бўлибди. Шу-шу бу азиз заминни тарқ этишни ҳаёлига келтирмайди.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Олтиариқ... Фарзандлари содиқ инсонлар бўлиб камолга етаётган бу муқаддас маконни жонидан ортиқ кўради, ҳар куни таъзим айлайди ва ўзининг сермазун, муҳаббатли умри учун Аллоҳга шукроналар айтади.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги муҳбири

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Мен ҳикоя қилаётган воқеа қачонлардир бўлиб ўтган. Очигини айтсам, бу бир танишимнинг ҳаётидан лавҳа аслида.

...Туман алоқа бўлимига сўқурдай, гўё сутга чайиб олгандай оппоқ, ёши 18-19лар чамасидаги шахарлик бир қиз келиб, иш бошлади. Бир кўрдиму, олдида кета олмай қолдим. Шунда миямга ярқ этиб бир фикр келди: уйга телефон тушириш керак. Шу десангиз, хонадонларга телефон тушириш энди аважига чиққан пайтлар эди ўшанда.

Ўзим ёшман, автобазага янги ишга кирганман. Бир куни ишдан келдим-да уйда экинларга сув қўяётган дадамга:

— Дада, симга пул беринг, бизам уйга телефон туширайлик, — дедим. Шунда дадам бепарво оҳангда:

— Анови Азим акангдай тез кунда симларини узиб ташлаш учунми? — деди.

— Нега узиб юборибди? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Қизи Нигорани йигитлар сўрай-веришиб, жонига тегибди. Шартта телефоннинг симини кесиб ташлабди.

— Ахир, мен Нигора эмасман-ку, йигитлар сўраган.

— Гапни айлантирма, бизга телефон керакмас, — деди дадам қатъий. Шундай қилиб, мендаги телефон тушириш иштиғи сўнди.

Чунки дадам бир гапни одам, йўқ дедими, тамом, кўндириб бўлмайди.

Эрталаб ишга кетаётсам, "Ўғлим, — деди ён қўшимиз Фозилжон тоға.

— Уйда дастёр йўқ, телефонимизни узиб қўйибди. Мана бу пулни тўлаб қўй, болам, Тошкентдаги ўғлим хавотир олмасин!" Додим худога етди. Дарҳол алоқа бўлимига югур-

дим. Кечаси билан тушимга кириб, уйку бермаган ўша қиз 3-4 миҳозга нималарнидир ёзиб бераётган экан. Уни кўрдиму, тилим қотиб қолди. Шундай бўлса-да, ўзимни кўлга олдим. Навбатда турганларга эътибор бермай, олдинга ўтдим.

"Мен сизга телефон пулини..." дейишимни биламан, ўша гўзал кўзларини ола-була қилиб, менга шундай қарадики, қай аҳволга тушганим ўзимга аён. Аҳволимни таърифлашга сўз йўқ.

— Кўрмайсизми? — деди у ўсмали қолдики чиммириб. — Олдин олдимдагиларни жўнатай...

Епирай, ерга қараб ўтирганида кўзлари шунча чиройли кўриняпти. Жилмайса қандай бўларкан?

— Кимнинг телефони? — деди бояғи қиз жаҳл аралаш.

Қисқаси бу "димогдор" гўзални кўргани турли баҳоналар билан тез-тез келиб-кетадиган бўлдим. Бир кўни:

— Сизнинг шилқимлигингиз бошлиқча етди. Яна келсангиз, милиция чақиртираман эшитдизми? — деса бўладими. Гапига ишонмадим. Яна битта "чиройли" гап айтиб чиқиб кетдим. Ишдан келиб, овқат-



Кечаси билан тушимга кириб, уйку бермаган ўша қиз 3-4 миҳозга нималарнидир ёзиб бераётган экан. Уни кўрдиму, тилим қотиб қолди.

ланган, китоб ўқиб ётсам, участкавийимиз Мансуржон ака чақиряпти.

— Э, акаҳон келинг, — дедим хижолатдан қизариб. Ҳаёлимдан "Наҳотки, ростдан ҳам милицияга арз қилган бўлса", деган фикр ўтди.

— Укам, қалайсан, — деди участкавий илқамга қоқиб. Сўнг маслаҳатомуз, — нима қилсан, тўғри келганга гап отиб. Даданга айт, бир иложини қилиб уйлантириб қўйсин. Устингдан шикоят хат бор, деди.

У мени эртага хонасига кириб ўтишимни тайинлаб кетди.

— Менга қара, қаерлик ўзи у қиз?

— сўради Мансур ака ҳузурига борганимда.

— Қисқаси, бу ерлик эмас, —

дедим ерга қараганча.

— Сенга маслаҳатим шуки, агар уни чиндан яхши кўриб қолган бўлсанг, маҳаллада кимнинг телефони бузилса, ё қариялар телефони пулини тўлаш баҳонасида олдига бориб тур, бўлар-бўлмас гап қилма.

Шу-шу бўлди-ю, турли баҳоналар ростакамига кўпайиб кетди.

— Яхшимисиз, манови Зокир аканинг телефони пули, манови Ҳадича холаники, манови... Қизиқиб кетиб, йўқ телефонимизга манови ўзимизники деб пул санаётсам:

— Менга қаранг, қўшнларнинг болалари, дастёрлари йўқми? — деди кулимсираб. Унинг менга биринчи бор кулиб қараш эди. Шунда билдимки, у қиз ҳам менга бепарво эмас.

— Борликка бору, мен, мен дедиму ерга қардим...

— Бўлди, энди кетинг, ҳозир милиция чақираман, — деди у чиройли кўзларини менга тикиб. Кўзларимиз тўқнашди-ю, бараварига кулиб юбордик.

У стол тортмасидан қандайдир қоғоз олди ва ерга қараганча:

— Манави менинг телефон рақамим. Керак бўлсам кўнжироқ қилинг, — деса бўладими.

Хуллас, опа мана шу телефон баҳонасида келиннингиз билан севишиб, турмуш қурганмиз. Кейинчалик ўзим ҳам шу соҳага ўтдим. Фарзандларимиз ҳам бизнинг йўлимиздан боришяпти. Қизим телефончи, ўғлим мен каби телефон туширувчи монтер. Ҳа, телефон баҳона, дийдор ганимат бўлган эди ўшанда...

Гулчеҳра ЗОЙИТБОВА,
Шаҳрихон

QANDOLATCHILIK SABOQLARI

ОЛМА МУРАББОСИ

Мураббо учун олманинг қаттиқроқ ширин нави танланади. Чунки бу меванинг юмшоқ, тез пишиб эзилиб кетадиган навлари шакарни кўп талаб қилади. Олманинг пўстини арчиб, ўзак ва уруғларидан тозаланг. Кейин 2 см. қалинликда тўғрайсиз. Тўғралган олма қораймаслиги учун 6 дақиқача иссиқ сувга солиб қўйсиз. Сўнгра совуқ сувда совитиб, устидан қиём куйинг. Олма солинган иссиқ сувдан қиём тайёрлашда фойдаланишингиз мумкин. Мураббони паст оловда 5-7 дақиқа қайнатасиз. 6-8 соат тиндириб, яна бир неча дақиқа қайнатинг. Олмалар тиниқ ялтироқ тусга киргунча қайнатиш 3-4 марта такрорланади.

Ширин навли олма мураббоси шакарланиб қолмаслиги учун пишиши олтидан озроқ лимон кислотасидан қўшинг. Хушбўй бўлиши учун эса бир чимдим ванилин солинг.

Масалиқлар: 1 кг. олма учун 1 кг. шакар, 1-1,5 стакан сув, 3 гр. лимон кислотаси керак бўлади.

Фойдали
МАСЛАХАТЛАР

□ Хона гулларининг жойини тез-тез ўзгартириш тавсия этилмайди. Чунки гулнинг барглари бругликка қараб ўсади.

□ Агар гул тувагидаги тупроқ тезда қуриб, ёрилиб кетса, унга ёғоч кипиғи ёки дарё ва ариқ кумларидан аралаштиринг.

□ Гул тувагига керагидан ортиқ сув қуйманг. Икки-уч соат давомида сувни шимиб олмаса, гул тувагидан сувни тўкиб ташланг. Акс ҳолда, ёш томирларни чиритиб юборади.

□ Фикус гулининг барглари ялтираб, жозибали бўлиб турсин десангиз, томрига бир ошқошиқ канакунжут мойи куйинг. Бундай мой дорихоналарда мавжуд.

□ Хона гуллари елвизак жойда ва тамаки тутуни буруқсийдиган уйда яхши ўсмаслигини унутманг.

□ Гуллар яхши нафас олсин десангиз, барглари чангини тез-тез артиб туринг.

□ Қари мол гўштини ишлатмоқчи бўлсангиз, бир кун аввал унинг ҳамма томонига хантал суриб қуйинг. Шунда юмшоқ ҳамда тезроқ пишувчан бўлади. Аммо бундай гўштни ишлатишдан олдин совуқ сув билан яхшилаб ювиш керак.

□ Ёқимсиз ҳид пайдо бўлган пластмасса идишларни истеъмол содаси аралаштирилган сувда ювган маъқул.

□ Эркалар бўйинбоғини дазмоллаш ярамайди. Агар бўйинбоғ буришиб қолган бўлса, уч литрли иссиқ сув тўлдирилган банкага ўраб, буришган жойларини текислаш лозим.

□ Ўткир ҳидли атир ишлатсангиз, кучли ҳид таратувчи упа-эликлардан фойдаланманг. Турли ҳидлар мутаносиблиги ҳаммиша кўнгилдагидек бўлмайди.

□ Энг хуш кўрган атирингизни ҳам вақти-вақти билан ўзгартириб туринг.

ХАНДАА

Об-ҳаво маълумотида "Сибирда 45 даража совуқ" лигини эшитган бир одам ишонмай Сибирда яшовчи дўстига кўнги-роқ қилди:

— Менга қара, айтишларича, сизларда жуда ҳам совуқ эканми?

— Йўғ-э, минус 20, минус 25 атрофида.

— Ростданми? Телевизорда минус 45 дейишди-ку?

— А-а-а... Ташқарида шунақа бўлиши мумкин!

BU — QIZIQ!

ҚАРСАКБОЗ ҚАРИЯ

Хитойлик Чанг Куан ғайритабиий қарсақ чалиши билан ҳар қандай концерт ва тадбирларнинг ардоқли меҳмони бўлиши мумкин.


У чапак чалиб, салкам учаётган вертолёт парраги овозига тенг товуш чиқара олади. 70 ёшли Куанни атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ташкилоти қатъий назоратга олган. Ҳатто агар яна шундай қаттиқ қарсақ чалса, шовқин солгани учун ҳибсга олишларини айтишган.

Мутахассислар махсус ускуналар ёрдамида Куаннинг чапаклари овози кучини ўлчаб кўришди. Натижа — 107 децибел, вертолёт паррақларининг товуш кучи эса 110 децибел. Маълумки, 80-100 децибел киши саломатлиги учун зарарли ҳисобланади.

— Қарсақ чалишни бошласам, қулоқларимда оғриқ туради, — дейди қария ўзи тан олиб. — Атрофдагиларга мендан ҳам қийин бўлса керак.



ҚУМ ҚАЛЪА



Жанубий Каролина штатининг Миртл-Бич шаҳрида кумдан энг баланд қалъа барпо этишди.

Уни қуриш осон бўлмади. Қурилиш майдонига кумни юк машиналарида ташиб турдилар. Улкан қалъани барпо этишга ҳаммаси бўлиб минг тонна кум ишлатилди. Усталар ушбу санъат асарини рекордлар китобига киритилишидан умидвор.

БИРГАЛИҚДА
САКРАЙМИЗ

Хитойда янги рекорд ўрнатилди. 3000 дан зиёд киши аргамчида сакраш учун Чанша шаҳрига йиғилди. Рекорд ўрнатиш учун бир хил — оқ либос кийган хитойликлар уч дақиқа давомида аргамчида сакрашлари лозим эди. Уларнинг ёши аҳамиятга олинмади, ўн ёшли болалар ҳам бирдек сакрайверди. Баъзилар танловга, ҳатто бутун оиласи билан келишди.

— Сакраш соғлиқ учун жуда фойдали, ҳар бир хитойлик ушбу машғулот билан шуғуллиниши керак, — дейишди акция иштирокчилари.

Хитойликларнинг мазкур ўйини Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

BILASIZMI?

● Ирланд драматурги Семюэл Беккет (1906-1989) дунёдаги энг қисқа пьеса муаллифи сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олган. Унинг қаламига мансуб "Нафас" пьесасининг мазмуни асар номига тўлиқ мос тушади.

● Голландлар ҳар куни нонуштага, французлар эса тушликка пишлоқ тановул қиладилар.

● XVIII асрда Россияда қайнатилган картошка устига... шакар сепиб ейишган.

● Ҳиндистонда нилуфардан ун қилишади! Маҳаллий халқ бу гулни чойга солиб ичишни ҳам хуш кўради.

● "Toshiba" компаниясининг шиори анчагина узун: "Бизнинг 20 йиллик саъй-ҳаракатларимиз ва тадқиқотларимиз натижасида сиз ҳар қандай муаммони 20 дақиқа ичида ҳал қила оласиз".

● "Кодак" компаниясининг шиори 1888 йилдан бери ўзгармай келмоқда: "Сиз фақатгина тугмани босасиз, қолган ҳамма ишни эса биз бажарамиз".

АЛОҚАЧИ
ЛУФАТИWORLD WIDE WEB
(WWW)

● **Баннер, банер (ru — баннер, банер, en — banner)** — 1. Саҳифанинг барча кенглиги бўйича ёйилган макрола ёки ҳужжатнинг сарлавҳаси.

2. Реклама берувчининг Web-сайтидаги гиперловани ва рекламани ўз ичига олувчи Web-саҳифа қисми.

● **Браузер, броузер (ru — браузер, броузер, en — browser)** — 1. Гиперматни ўқиш дастури.

Изоҳ — Web браузерлар, гиперматни ўқишдан ташқари, қуйидаги қўшимча имкониятларга эга бўлиши мумкин:

- товуш ва видео-маълумотлар (ҳаракатланувчи таъсир)ни қайта тиклаш, яъни гипермедияни қайта тиклаш;

- бошқа компьютер тармоқлари билан улашни ўрнатиш ва уларда ишловчи серверларга Web ҳужжатлари учун сўровлар юбориш; - тармоқнинг бошқа фойдаланувчилари билан диалогни ташкил қилиш ва сақлаш.

2. Фойдаланувчининг истагига кўра исталган тартибда оддий матн, статик таъсир ёки графика мазмунини тасвирлаш ва мумкин бўлган қидиришга рухсат берадиган дастур.

3. WWWда ишлаш учун мижоз дастури.

● **Гиперҳавола (ru — гиперссылка, en — hyperlink)** — Фаол (ранг билан ажратилган) матн, тасвир ёки бошқа саҳифага ё ушбу саҳифанинг бошқа қисмига ўтишини чақирувчи (гиперҳаволани фаоллаштириш) Web-саҳифа тугмасини босиш.



SPORT

PROFI-BOKS

ПРОФЕССИОНАЛЛАР ПОЙТАХТ РИНГИДА

Тошкент шаҳрида профессионал бокс кечаси ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон вакиллари навбатдаги рейтинг жанглариде иштирок этишди.

Турнирнинг асосий жанги ҳамюртимиз Бехзод Набиев ва қозоғистонлик Тохир Иброҳимов ўртасида кечди. Олти раундлик жангнинг учинчи раундиде Бехзод Набиев рақибини нокаутга учратди ва профессионал фаолиятидаги ўнинчи ғалабасини кўлга киритди.

Яна бир ҳамюртимиз Лазиз Боймуродов ҳам ўз ғалабалари сонини ошириб бормоқда. Профессионал боксдаги фаолиятини шу йили бошлаган 18 ёшли боксчимиз бир неча рақибини нокаутга учратишга улгурди. У бу ғалги рақиб Самад Фатхуллаевни ҳам муддатидан аввал мағлубиятга учратди.

19 ёшли боксчимиз Носиржон Рўзиматов ҳам тўрт раундлик жангни ўз фойдасига ҳал қилди. У Мироллим Букабовни очколар ҳисобида енгди.

Шунингдек, Муҳаммад Бахриддинов ҳамда Бехзод Шокиров ўртасида кечган жанг ҳам тўрт раунд давом этди. Унда Муҳаммад Бахриддинов ғолиб чиқди.

YENGIL ATLETIKA

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида юртимизнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун куч синашди, дея хабар беради ЎЗА.

Хотин-қизлар ўртасида баландлик сакраш бўйича олимпия лицензияси соҳибаси Надия Дусанова 185 сантиметр натижа кўрсатиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Енгил атлетиканинг қолган турлари — ядро улоқтириш бўйича Наталя Бессмертних ва узунликка сакрашда Александр Бистриговага етадиган топилмади. 100 метрга югуриш бўйича Анастасия Прошкина маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Эркаклар ўртасида баландликка сакраш баҳсларида икки метрлик тўсиқдан ўтишни удалаган Андрей Бадуров чемпионат олтин медали билан тақдирланди.

Ядро улоқтириш бўйича Григорий Камуля, 110 метрга тўсиқлар оша югуришда Олег Норматов энг яхши натижа кўрсатиб, мамлакат чемпионлигига сазовор бўлишди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси ижроия дирекцияси ходимлари бош мутахассис Зоҳиджон Қосимовга волидаи муҳтарамаси


Анора ҚОСИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

“Ўзбектелеком” АК “Shaharlararo aloqa korxonasi” филиали жамоаси Кабел магистраллари техник эксплуатациясини ташкил қилиш хизматининг этақи муҳандиси Комила Байматовога отаси

НОРМАТ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

FUTBOL

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ



© 2007 Asian Football Confederation

Ўзбекистон терма жамоаси 21 ноябр куни МХСК стадионида Эстония терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Ушбу йиғинга куйидаги футболчилар жалб қилинган:

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров (Пахтакор), Павел Бугало (Курувчи);

Ҳимоячилар: Анвар Гофуров (Машъал), Хайрулла Каримов (Машъал), Илҳом Сунонов (Пахтакор), Бахтиёр Ашурматов (Курувчи), Ҳамза Каримов (Машъал), Камолитдин Тоҳиев (Пахтакор);

Ярим ҳимоячилар: Виктор Карпенко (Курувчи), Азиз Хайдаров (Курувчи), Алексей Николаев (Актобе, Қозоғистон), Рустам Қодиров (Машъал), Ренат Байрамов (Пахтакор);

Ҳужумчилар: Павел Соломин (Сатурн, Россия), Улугбек Бақоев (Тобол, Қозоғистон), Жафар Ирисметов (Олмаота, Қозоғистон), Илҳом Мўминжонов (Курувчи), Виктор Клишин (Машъал).

БРАЗИЛИЯ ДОҒДА ҚОЛДИРИЛДИ



Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати баҳсларини ғалаба билан бошлади. “В” гуруҳида кураш олиб бораётган вакилларимиз биринчи турда Бразилия терма жамоасини 4:2 ҳисобда мағлубиятга учратди.

Терма жамоамиз иккинчи турда Серра Лионе жамоаси устидан 3:0 ҳисобида зафар

қучди. Ҳамюртларимизнинг навбатдаги рақиблари Украина, Эрон ва Нигерия терма жамоалари бўлади.

Жаҳон чемпионатининг чорак финал баҳслари 18 ноябр, ярим финал 19, финал ўйини эса 20 ноябр куни ўтказилиши режалаштирилган.

ЁШЛАРИМИЗ ҲАМ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Газетамизнинг ўтган сонларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (16 ёш)нинг Осий чемпионати финал босқичига йўл олгани ҳақида маълумот берган эдик. Роберт Гай шогирдлари амалга оширган ишни Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги ёшлар терма жамоаси (19 ёш) ҳам удалади.

Ўтган ҳафтада пойтахтимизда ёшлар ўртасида Осий чемпионатининг саралаш босқичи ўтказилди. Унда мамлакатимиз ёш футболчилари Яман термасини 1:0, Иорданияни 3:1 ва непаллик тенгдошларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳда биринчи ўринни кўлга киритди. Тўрт очко жамғариб, Иордания терма жамоасидан тўплар нисбатига кўра яхши натижага эришган Яман ёшлари гуруҳда иккинчи погонани банд этди ва Ўзбекистон сингари Осий чемпионатига йўлланмани кўлга киритди.

МАКСИМ ШАЦКИХ 21-ЎРИНДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан «2007 йилнинг энг машҳур ўйинчиси» номинациясига даъвогарлик қилаётган футболчилар рўйхати эълон қилинганди.

Яқинда федерация расмий сайтида овоз беришнинг бир ойлик натижаси маълум қилинди. Унда жами 1 847 222 фойдаланувчи овоз беришда иштирок этган. Октябр ойи натижасига кўра ҳамюртимиз Максим Шацких 2763та овоз билан жаҳоннинг 50 нафар энг машҳур футболчилари орасида 21-поғонада бормоқда.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Миродил САБИЛЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгачарига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаҳонасида чоп этилди.
Мавзид: Тошкент шаҳри,
“Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

1053-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табақ.
Алади: 7217 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланган.
Дизайнер: Аслимдин БҮРИЕВ.
Матн тереви: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишта топширилди — 20.00.
Босишта топширилиши вақти — 20.00.

18-NOYABR — O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT BAYROG‘I QABUL QILINGAN KUN

Ўзбекистон байроғи

Абдусайд КҮЧИМОВ

Озод мамлакатнинг мухташам кўрғонида,
Исёнкор боболарим пок руҳида — жонида,
Турон, қадим Туркистон, улуг юрт осмонида,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи!
Ўзбекистон байроғи!

У адолат, коинот, обиҳаёт тимсоли,
У эзгулик, шон-шухрат, бахт-саодат тимсоли,
Буюк Амир Темурунинг голиб туғи мисоли,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи!
Ўзбекистон байроғи!

Тинчлик, тириклик эрур мовий, яшил, оқ ранглар,
Чақноқ ўн икки юлдуз шамолларда жаранглар,
Эрк кўшиғи навқирон ярим ойда жилвагар,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи!
Ўзбекистон байроғи!

Бундай ялов қайда бор, бундай ялов бизга ёр,
Уни сарбаланд тутсак бизниқидир истиқбол,
Она халқим бахтини жаҳонга қилиб ёр-ёр,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи!
Ўзбекистон байроғи!



Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддаси.

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

399-401. “Театр” купонли почта маркалари туркуми.
Д.Сорокин дизайни.



400. “Кампир топайми, дадажон?” почта маркаси.

Тошкент шаҳридаги Муқимий номидаги муסיқий-драма театри сахна асаридан кўриниш тасвирланган.



401. “Кўғирчоқ театри” почта маркаси.
Тошкент шаҳридаги кўғирчоқ театри сахна асаридан кўриниш тасвирланган.

Маркалар горизонтал жойлашган 3 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 12 марка, 4 купон бор.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ОЛМОС

Жанубий Африка Республикасида дунё ишлаб чиқарувчилари тарихидаги энг йирик олмос топилди.

Ушбу олмос 1905 йилда Преторияда топилган 3106 каратли Куллинан (кейинроқ бу олмос қиролича тожини безаш учун бир неча қисмларга бўлинган) олмосидан икки баробар йириқдир.

Даствабки баҳо бўйича, қимматбаҳо бу тош 6 минг каратдан ортиқроқ оғирликка эга. Таъкидлашларича, олмос олий сифатли ва жуда шаффофдир.

Олмос кўриқчилар қуршовида банкларнинг бирида сақлаш учун Йоханнесбургга олиб келинди. Яқин кунларда бу тошнинг келгуси тақдири ҳал бўлишини таъкидлашмоқда.

Табриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси Анвар ХАЙИТОВНИ таваллуд қуни муносабати билан муборакбод этади. У кишига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайди.

“Фарғона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Кўхон ШТБ кабел пайвандловчиси Нурматжон РУСТАМОВНИ 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали Кегейли телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама электромонтёри Максат ЖАҚАБАЕВ ва АТС оператори Гулистон СУЛТОНОВАЛарни таваллуд топган кунлари билан чин юракдан табриклайди. Уларнинг ишларида зафарлар, ҳаётларида нурафшонлик тилаб қолишади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали Яккабоғ почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бошлиғи Нурмахмад ТУРАЕВНИ туғилган қуни билан табриклайди. Унга узоқ умр, ишларида улкан зафарлар тилайди.

Азиз муштарийлар!
“Хабар” газетасига 2008
йил учун обуна давом
этмоқда.

Тахририятимиз бу йил ҳам энг кўп обуна уюштирган корхона ва ташкилотлар ҳамда обуна билан шугулланадиган махсус ходим (агент)лар учун совға ва пул мукофотларини ажратган. “Матбуот таркатувчи” АҚдан олинган маълумотга кўра ҳозирча Қашқадарё вилоятида “Хабар”га энг кўп обуна уюштирилмоқда. Иккинчи ўринда қорақалпоғистонлик алоқачилар боришмоқда.

СИЗЛАР ҲАМ ЎЗ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ. ЗЕРО, ВАКТ ФАНИМАТ!

НАШР КЎРСАТКИЧИ
— 228.

OBUNA—2008



“ХАБАР” ГАЗЕТАСИГА КИМ ҚАНЧА ОБУНА БЎЛДИ?

2008 йил учун расмийлаштирилган
обуна бўйича 9 ноябргача бўлган
МАЪЛУМОТ

Қорақалпоғистон Республикаси..	574
Андижон.....	340
Бухоро.....	296
Жиззах.....	199
Қашқадарё.....	714
Навоий.....	38
Наманган.....	425
Самарқанд.....	298
Сурхондарё.....	243
Сирдарё.....	12
Тошкент.....	196
Фарғона.....	266
Хоразм.....	57
Тошкент шаҳри.....	31

Маълумот “Матбуот таркатувчи” АҚ томонидан тақдим этилди.

Шу сонга: Телеграмма

“Қорақалпоқ Телеком” филиалининг Кегейли телекоммуникациялар боғламасида ишловчи ходимлардан 50 нафари 2008 йил учун “Хабар” газетасига тўлиқ бир йилга обуна бўлишди.

Ж.АРЗИМБЕТОВ, Кегейли ТТБ бошлиғи ўринбосари